



У. УМАРОВ А. ҚОРАХОНОВ М. ГАДОЙШОЕВ А. УМАРОВ

1

**ИҚТИСОДИЙ
НАЗАРИЯДАН
ЎҚУВ-МЕТОДИК
ҚЎЛЛАНМА**

65.01
У-48

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ


«Молия-менежмент ўқув маслаҳат маркази»

У.Умаров, А.Қорахонов, М.Гадойшоев, А.Умаров

ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯДАН ЎҚУВ-МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА



«ZAR QALAM»
Тошкент — 2003



Тақризчилар:

иқтисод фанлари номзоди, доцент **И. ЭСАНҚУЛОВ**,
иқтисод фанлари номзоди, доцент **О. ҲАТАМОВ**.

Муҳаррирлар:

и.ф.н., доцент **Э.Х. АВАЗОВ**,
т.ф.н., доцент **Ю.Ю. ВАЛИҚУЛОВ**.

МУҚАДДИМА

Иқтисодий назария энг қадимги фанлардан бири. У доимо олимлар ва маълумотли кишиларнинг диққат эътиборида бўлиб келган. Чунки иқтисодий назарияни ўрганиш бу — кишиларнинг Аристотель, Беруний, Амир Темурдан тортиб, ҳозирги кунгача ҳужалик юритиш қонунларини билиш ва уни ҳаётга татбиқ қилишини объектив заруратга айлантиради.

Маълумки, Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳозирги пайтда маълумотли ва маданиятли кишиларнинг иқтисодий назарияга, иқтисодга қизиқиши янада ортиб бормоқда. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ўз нутқида «Давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бу маънавий жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш, таълим ва маориф тизимини такомиллаштириш, миллий уйғониш ғояси асосида маънавий ва руҳий жиҳатдан янги авлодни вояга етказишдир. Бозор муносабатларига ўтиш даврида талабаларга иқтисодий билимларни, маркетинг, менежмент, бизнес соҳасида, бизнинг иқтисодий ривожланишимизда бу тушунчаларнинг моҳияти ва роли борасида кўпроқ билим беришимиз мақсадга мувофиқдир»¹, деган эди.

Бу дастурий кўрсатма халқ таълими системасининг барча тармоқларида — умумий таълим мактабларидан тортиб барча олий ва ўрта махсус ўқув yurtлари, коллеж, лицейлар, малака ошириш институтларида иқтисодий таълим ва тарбияга алоҳида эътибор бериш зарурлигини билдиради. Демак, иқтисодий назарияни чуқур ўрганишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, машҳур америка иқтисодчи олими, Нобель мукофоти лауреати П.Самуэльсон «Иқтисодий назария — бу фанларнинг қироли», деб атаган эди. Шунингдек, у иқтисодий назарияни узлуксиз равишда ўрганмайдиган одам, музика асарига баҳо беришга интилувчи кародамга ўхшайди, — деган эди.

Нобель мукофоти лауреати М. Фридман ёзган эдики, иқтисодиёт жозибали фан, у шунинг учун қизиқарлики, ун-

¹ И.А. Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар. 4-том. Т., Ўзбекистон.: 1996, 280-бет.

даги фундаментал принциплар жуда оддий, уни қоғознинг бир varaгига ҳам ёзиш мумкин, ammo уни жуда кам сонли кишиларгина тушунади. Хўжалик юритишнинг мураккаб дунёсини тасвирловчи бу фаннинг қийинлиги шундаки, иқтисодий таълимот тарихи соҳасида жаҳонда машҳур мутахассис А.Хейльброннернинг таъбири билан айтганда, уни ўрганишда ўқувчидан «туянинг чидамлилиги ва донишманднинг сабр-тоқати талаб қилинади».

Жаҳоннинг энг машҳур иқтисодчиларидан бири Ж.М. Кейнс ёзган эдики, ҳақиқий иқтисодчи, ўз ишининг билимдони турли-туман сифатларга эга бўлиши лозим. У маълум даражада математик, тарихчи, давлат арбоби, файласуф бўлиши лозим. Демак, ҳақиқий иқтисодчи ҳар томонлама билимдон бўлиши, ўз устида узлуксиз тинмай ишлаши, билим даражасини тобора такомиллаштириб бориши лозим.

Аmmo меҳнаткашларнинг, талабаларнинг иқтисодий билимларни чуқур ўрганиши учун дарсликлар, қўлланмалар, методик адабиётлар етарли эмас. Шу боисдан, биз иқтисодий назария фанидан, ушбу комплекс ўқув-методик қўлланма серияларини яратишни ва уни ўқувчиларга тақдим этишни лозим топдик.

Иқтисодий назариядан ушбу комплекс ўқув-методик қўлланмада, ҳар бир темадан ўтиладиган маъруза режаси, семинар, амалий машғулот режаси, тавсия этиладиган адабиётлар, шу темада учрайдиган иқтисодий терминлар ва тушунчалар, талабаларнинг темани ўргангандан кейин олган ўз билим даражаларини синаб кўриш мақсадида машқлар, темага доир кўргазмалар воситалар, назорат учун ва электрон ҳисоблаш машиналарида ишлаш учун, темага тааллуқли тест материаллари, шунингдек, шу темага доир иқтисодий терминларнинг қисқача луғати берилади.

Ушбу комплекс ўқув-методик қўлланма Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов асарлари, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши билан боғлиқ асарлар, ҳужжатлар, МДХ давлатлари ва ғарб иқтисодчиларининг эришган ютуқлари асосида чоп этилган энг сўнги адабиётлар асосида ёзилди.

Қўлланма олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, Бизнес мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талаба-

лари, умумий таълим мактабларининг иқтисодий билим асосларидан дарс берувчи ўқитувчилари, шунингдек, бозор иқтисодиёти муаммоларига, иқтисодий билимга қизиқувчиларга мўлжаллангандир.

Қўлланма VII серия (туркум)дан иборат бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- I. Иқтисодий назариядан комплекс ўқув-услубий модул.**
- II. Иқтисодий назарияга кириш.**
- III. Бозор иқтисодиётининг умумий асослари.**
- IV. Микроиқтисодиёт.**
- V. Макроиқтисодиёт.**
- VI. Мезоиқтисодиёт.**
- VII. Метоиқтисодиёт.**

«ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯГА КИРИШ»

I. ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ

Маъруза учун тавсия этиладиган режа:

1. Иқтисодий назариянинг шаклланиши ва тараққиётининг асосий босқичлари.
2. Ҳозирги иқтисодий қарашларнинг асосий йўналишлари.
3. Иқтисодий назария предмети.
4. Иқтисодиётнинг уч асосий масаласи.
5. Иқтисодий назария методологияси ва хусусиятлари.

Семинар машғулоти учун тавсия этиладиган режа:

1-машғулот

1. Ҳозирги даврда иқтисодий назариянинг аҳамияти тўғрисида умумий тасаввурлар.
2. Иқтисодий назариядаги асосий босқичлар: меркантилизм, физиократлар, инглиз классик сиёсий-иқтисоди, марксизм ва маржинализм.
3. Ҳозирги иқтисодий назариядаги асосий йўналишлар: неоклассик, кейнсчилик, институционал - социологик.

2-машғулот

4. Иқтисодий назария нимани ўргатади.
5. Иқтисодий назариянинг бошқа фанлар билан алоқаси
6. Иқтисодиётнинг уч асосий масаласи: Нима? Қандай? Ким учун?
7. Жамият ривожланишининг иқтисодий қонунлари ва уларнинг объектив характери.
8. Иқтисодий назария методлари.

МАЪРУЗАНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Иқтисодиёт тўғрисидаги таълимот «экономия» сўзидан олинган бўлиб, уни биринчи марта қулдорлик хўжалигини тадқиқ қилган Аристотель илмий оборотга киритган. Бу термин икки грек сўзидан иборат: «Ойкос» — уй, хўжалик «номос» — таълимот, қонун. Ҳозир экономия сўзи одатда ҳаражатларни қисқартириш, тежамкорлик маъносида ишлатилади. Грек сўзидаги «*oikonomia*», яъни уй хўжалигини бошқариш санъатидан «Экономика» термини келиб чиққан. У кўйидаги маъноларни билдиради:

1. Район, регион, мамлакат, мамлакатлар гуруҳи ёки бутун дунё хўжалиги (масалан, жаҳон иқтисодиёти, Ўзбекистон иқтисодиёти ва б.)

2. Халқ хўжалигини яхлит ўрганадиган илмий фан (масалан, меҳнат, бошқариш ва б.)

3. Ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида шаклланадиган кишилар ўртасидаги маълум иқтисодий муносабатлар мажмуаси ва маълум иқтисодий система.

Иқтисодий назария фан сифатида XVI-XVII асрларда қарор топди.

Маълумки, капитализмнинг пайдо бўлиши, мануфактуранинг шаклланиши, ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, ташқи ва ички бозорнинг кенгайиши меркантилизмни вужудга келтирди.

Меркантилистлар таълимотининг моҳияти бойлик келиб чиқишининг манбаини аниқлашга қаратилган. Аммо улар бойликнинг манбаини муомала соҳасидан излайдилар. Меркантилистлар савдо вакиллари бўлиб, улар манфаатини ҳимоя қилган. Унинг вакиллари Томас Манн (1571- 1641), Антуан Монкретьен де Ваттевиль (1575- 1621), Давид Юм (1711-1776) бўлган.

Уильям Петти (1623 - 1686) таълимоти эса меркантилизмдан классик сиёсий иқтисодга ўтишда кўприк ролини

ўйнади. У. Петтининг хизмати шундаки, биринчи бўлиб бойликнинг манбаи меҳнат ва ер деб эълон қилди. У «Меҳнат бойликнинг отаси ва фаол принципи, ер эса - унинг онасидир», деган эди.

Сиёсий иқтисод тараққиётида йирик ер эгаларининг вакиллари физиократлар янги йўналиш сифатида чиқади. Унинг асосчиси Франсуа Кенэ (1694 - 1774) дир. У асосий асари «Иқтисодий жадваллар» (1758) да ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришни таҳлил қилишга интилди. У бойликнинг манбаи қишлоқ хўжалигида яратилган маҳсулот билан унга қилинган ҳаражат ўртасидаги фарқдан иборат деб билди. Унинг камчилиги шундаки, бойликнинг манбаи фақат деҳқонликдаги меҳнат деб билди.

Адам Смит (1723-1780) ва Давид Рикардо (1772-1823) асарларида иқтисодий назария янада ривожлантирилди.

А.Смит тарихда классик сиёсий иқтисод асосчиси бўлиб кирди. У 1777 йилда «Халқлар бойлиги сабаблари ва табиати тўғрисида тадқиқот» асарини чиқарди. У қийматнинг меҳнат назарияси асосларини, қийматни яратувчи сифатида унумли меҳнатнинг ролини, меҳнат унумдорлигини ошириш шарти сифатида меҳнат тақсимотининг аҳамиятини кўрсатди, даромад тўғрисидаги таълимотни яратди.

Давид Рикардо эса «Солиқ олишининг ва сиёсий иқтисоднинг бошланиши» (1809-1817) асарида қийматнинг ягона манбаи ишчининг меҳнати деб кўрсатди. У фойда нормасининг пасайиши тенденциясини очиб берди, дифференциал рента механизмини кўрсатди.

К.Маркс (1818-1883) эса классик сиёсий иқтисод ютуқларига асосланиб марксизм деб аталган янги назарий концепцияни ишлаб чиқди. У ўзининг асосий иқтисодий асари «Капитал»ни ёзиш учун 40 йил умрини сарфлади, аммо уни тугата олмади. У бу асарида қийматнинг классик назарияси ва қўшимча қиймат назариясини янгича ишлаб чиқди.

К.Маркснинг капитал тўғрисидаги иқтисодий таълимотига турлича қарашлар мавжуд. Америка иқтисодчиси В. Леонтъевнинг айтишича, агар кимки, фойда, иш ҳақи, капиталистик корхона тўғрисида ҳақиқий тасаввурга эга бўлишни истаса, у «Капитал»нинг уч тоmidан биринчи манба сифатида ҳозирги иқтисодиётдаги ўнлаб дарсликлардан олиши мум-

кин бўлганига нисбатан кўпроқ реалистик ва сифатли ахборот олиши мумкин.

М. Блауг ўзининг «Ретроспективадаги иқтисодий қараш» асарида ёзган эдики, Маркс қайта-қайта баҳоланди, қайта-қайта кўриб чиқилди, рад этилди, минглаб марта кўмилди, аммо уни интеллектуал ўтмишга жўнатишга интилганларида, у ҳар сафар қаршилиқ кўрсатди. У яхшими ёки ёмон, лекин унинг ғоялари биз фикрлайдиган тасаввурлар дунёсининг ажралмас таркибий қисми бўлиб қолмоқда.

К. Маркснинг назарий асарига бундай баҳо бериш тасодифий эмас. К. Маркснинг ўзи капиталистик мамлакатларда сиёсий иқтисод мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилади, деб ҳисоблаган эди ва ўзининг синфий йўналиш вариантини ишчилар синфи манфаатига хизмат қилдиришга интилган эди. Шунини таъкидлаш керакки, К. Маркснинг «Капитал» (1867) асари уни жаҳоннинг энг буюк иқтисодчисига айлантирди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида маржинализм назарияси келиб чиқди.

Маржинализм (инглизча *marginal* - чегарали) иқтисодий ётти ўзаро бир - бирига боғлиқ бўлган хўжалик субъектлари системаси деб ҳисоблайди ва иқтисодий жараён ҳодисаларни янги ғоя - чегарали (тах ёки *min*), яъни ҳодисаларнинг мўҳияти эмас, балки бир ҳодисанинг ўзгариши билан бошқа ҳодисанинг ҳам ўзгаришини характерлайдиган охириги миқдор ёки ҳолатдан фойдаланиш билан тушунтирадидилар. Маржинализмнинг асосий категориялари: чегарали фойдалилик, чегарали унумдорлик, чегарали ҳаражатлар ва б. Бу назария субъектив хулосалар асосида ишлаб чиқариш ҳаражатлари, талаб, таклиф, баҳоларни тушунтирадидилар. Маржиналистлар миқдорий таҳлилга асосланади ва иқтисодий математик методлар ва моделлардан фойдаланадидилар.

1870 йилдан кейин ғарб иқтисодий фанида микроиқтисодийнинг янги типи-бозор анализи ишлаб чиқилдики, жаҳонда «Экономикс» термини билан юритилди. Бунда иқтисодчилар кишилар ва ташкилотларнинг бозор фаолиятлари каби конкрет тадқиқот билан шуғулландидилар.

Бу йўналишнинг йирик вакили Кембриж университети профессори А. Маршаллдир. Унга АҚШда Ж.К. Кларк, Австрияда Э.Бем Баверк ва бошқаларни қўшиш мумкин.

А. Маршаллнинг 1890 йилда чиққан «Сиёсий иқтисод принциплари» номли асари иқтисодчиларнинг бир неча авлоди учун асосий дарслик бўлди.

«Экономикс» - иқтисодий фандаги ҳозирги йўналиш. «Экономикс» термини биринчи марта инглиз иқтисодчиси У.С.Жевонс (1835 - 1882) нинг тугалланмаган «Экономикс» принциплари асарида учрайди. У А.Маршалл томонидан илмий оборотга киритилди ва кенг характерлаб берилди. А. Маршалл фикрига кўра, «Сиёсий иқтисод» ва «Экономикс» бир хил эмас: соф ва амалий иқтисодий фанлар - сиёсий иқтисод ва экономикс мавжуд.

Бошқача қараш ҳам мавжуд. Жумладан, инглиз иқтисодчиси М.Добба фикрига кўра, сиёсий иқтисод синфлар ва социал гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилади. (Бу билан А. Смит, Д.Рикардо ва К.Маркслар шуғулланган). «Экономикс»нинг тадқиқот марказида эса тенглик муаммоси турадики, унга бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда рақобат орқали эришилади. А. Маршалл фикрига кўра, иқтисодиёт бозор, талаб ва таклиф қонуни орқали бошқарилади ва давлат томонидан аралашувга муҳтож эмас. Шу боисдан бу фанда «сиёсий» сўзини чиқариб ташлаш қонунийдир деб ҳисоблайди.

Аммо Ж.М.Кейнс жамият ривожланишида давлатнинг роли масаласида сиёсий иқтисод предметини яна киритади. Шу сабабли П.Самуэльсон «сиёсий иқтисод» фани номи сақланиб қолиши лозим деб ҳисоблайди. Ҳозирги гарб адабиётларида иккала термин ҳам чегараланмаган ҳолда қўлланилмоқда.

XX асрнинг 30 - йилларида гарвардлик Э.Чемберлен ва кембрижлик Ж.Робинсон монополистик ёки тугалланмаган рақобатни таҳлил қилдилар. 1936 йилда Ж.М.Кейнс ўзининг «Иш билан бандлик, процент ва пулнинг умумий назарияси» асарида даромадлар даражасини белгилаш назариясига ва микроиқтисодиёт таҳлилига асос солди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Гарвард университетидан Э.Хансен, Р.Харрод,

Е.Домарлар иқтисодий ўсиш назарияси билан бу йўналишни янада ривожлантирдилар.

XX асрнинг 50-60-йилларида ғарбда ҳозирги иқтисодий назария кенг тарқалди. Унда самарали пул кредит сиёсати йўли билан А.Смит ва А.Маршаллнинг классик микроиқтисодиёти билан даромад даражасини аниқлайдиган кейинги йиллардаги макроиқтисодиётни қўшиш ва бу қарашлардаги ижобий томонларни олишга ҳаракат қилинди.

Бу йўналишнинг йирик вакилларида бири америка профессори П.Самуэльсондир.

Кейинги йилларда иқтисодчи олимлар Ж.Гэлбрейтнинг қарашлари кенг тарқалди. Унда ҳозирги жамият тараққиётининг тарихий тенденциялари, капитализм трансформацияси, конвергенция жараёнлари, индустриал ва постиндустриал цивилизациясининг асосий белгилари кенг ёритиб берилди.

ҲОЗИРГИ ИҚТИСОДИЙ ФИКРЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ҳозирги иқтисодий фикрларнинг асосий йўналишлари:

1. **Неоклассик.**

2. **Кейнсчилик.**

3. **Институционал-социологик йўналишдан иборатдир.**

Неоклассик йўналиш. К.Маркс иқтисодий назариясига қаршилик сифатида, уни танқидий фикрлаш асосида пайдо бўлди. У XX асрнинг 30-йилларигача давом этди ва эркин рақобатни тарғиб қилди. Кризис ва буюк депрессия эркин рақобат йўли билан қарама - қаршиликларни, жамиятнинг барча социал - иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш мумкин эмаслигини кўрсатгач, янги иқтисодий таълимот - кейнсчилик пайдо бўлди ва у давлатнинг иқтисодиётга аралашувини талаб қилди. 70-80-йилларга келиб, давлатнинг иқтисодиётга ҳаддан тапқари аралашуви ижтимоий ишлаб чиқариш тараққиётига халақит бера бошлагач, неоклассик таълимот яна актуал бўлиб қолди. Ғарб иқтисодий адабиётида бу янги йўналиш «янги классик экономика» номини олди.

«Экономикс» номи билан аталган ҳозирги иқтисодий назария асосида маржинал иқтисодий назария бўлиб, у классик сиёсий иқтисод билан маржинализмни бирлаштиришга интилади. 1890 йилда Альфред Маршаллнинг (1842 - 1924) «экономикс принциплари» асари босилиб чиқди. 1902 йилдан А.Маршалл «Экономикс» курсини Кэмбриж университетиде ўқий бошлади. Ҳозирги пайтда ушбу ном билан кўплаб иқтисодий назария дарсликлари яратилган. 1948 йилда П. Самуэльсоннинг «Экономикс» дарслиги чиқиб, у 13 марта босмадан чиқди.

Иқтисодий назариянинг неоклассик йўналиши инглиз иқтисодчиси Альфред Маршалл асарларида асосланди. А.Маршалл (1824 - 1942) баҳо назарияси асосчиси сифатида машҳур. Унинг шогирди Кейнс Маршаллни XIX асрнинг энг буюк иқтисодчиси деб атаган эди. Иқтисодий фаннинг неоклассик йўналиши ҳозирги монетаризм ва неолиберализм назарияларида ўз аксини топди.

Монетаризм - иқтисодиётни стабиллаштириш (уйғунлаштириш) назарияси бўлиб, унда пул омиллари бош ролни ўйнайди. Монетаристлар давлатнинг пул массасини, пул эмиссиясини, муомалада бўлган пул миқдорини ва запасини назорат қилиш, давлат бюджетини баланслаштиришга эришиш ва кредитга юқори банк проценти белгилаш йўли билан иқтисодиётни бошқаришни тавсия этадилар.

Неолиберализм иқтисодиётга давлат аралашувини қисқартириш зарур деган назариядир.

Иқтисодий назариянинг Кейнсча йўналиши асосчиси Жон Мейнард Кейнс (1883 -1946) дир. У нақд ва нақд бўлмаган пул массаси орқали талабни кўпайтириш ёки камайитириш йўли билан ривожланган бозор иқтисодиётини давлат томонидан бошқаришни асослаган.

Маълумки, капитализм тараққиётининг дастлабки босқичларида классиклар ва неоклассиклар хусусий мулкчилик хўжаликларидан иборат бўлган стихияли бозор иқтисодиёти мустақил равишда давлатнинг ҳеч қандай аралашувисиз ишлаб чиқаришдаги чуқур пасайишлар ва оммавий ишсизликни йўқотишга қодир, бозордаги товарларнинг таклифи эса автоматик равишда харидорларнинг таклифи хажмига тенг бўлади, бу эса миллий хўжаликнинг узлуксиз ривожланиши-

ни таъминлайди деб ҳисоблаган эдилар. Аммо XX асрда Ғарб мамлакатлари иқтисодиётида кўпгина ўзгаришлар юз берди: хусусий хўжаликлар тезлик билан йириклашди, бозордаги эркин рақобатни гигант монополиялар – хўжалик бирлашмалари йўқ қилдилар, нархларни ўз билганларича белгилдилар. Натижада бутун хўжалик тараққиётида хаос – бўшлиқ кучайиб кетди. 1929 - 1933 йилларда жаҳон иқтисодий кризиси бўлиб, иқтисодиётни бутунлай издан чиқарди, неоклассиклар қараши билан ундан қутулиш мумкин бўлмай қолди.

Бу ҳалокатли кризис ва оммавий ишсизликдан қутулиш йўлини кейнсча революция кўрсатиб берди. Кейнс ўзининг «Пул, процент ва иш билан бандликнинг умумий назарияси» (1936 йил) асарида миллий хўжаликни тартибга солишнинг бутунлай янгича принципларини баён қилди. Унинг энг муҳим қоидалари қуйидагилардан иборат:

1. Кризислар ва ишсизликни тугатишда давлат бош ролни ўйнаши лозим. У иқтисодиётга фаол таъсир кўрсатиш мақсадида жамиятнинг ҳамма даромадини тақсимлашга аралашуви ва пул ҳамда бошқа ресурсларнинг анча қисмини ўз қўлига олиши лозим.

2. Ходимларни иш билан тўлиқ банд қилиш учун неоклассиклар таклиф қилганидек, таклифга эътибор бериш эмас, балки талабни ҳар томонлама ривожлантириш лозим.

3. Давлат иқтисодиётни бошқариш учун миллий хўжаликнинг асосий кўрсаткичлари ўртасидаги миқдорий боғлиқликларни очиқ берувчи иқтисодий математик моделлар ишлаб чиқиш лозим. Бундай моделлар бутун хўжалик фаолиятини бошқаришни илмий асосда қўйишга имкон беради.

Ҳозирги иқтисодий назариянинг учинчи йўналиши институционал - социологик йўналишдир. Унинг вакиллари Т.Веблен, Ж.Коммонс, У.Митчелл, Ж.Гэлбрейт. Бу концепция (гамойил) номи лотинча - *institutum* сўздан олинган бўлиб, тузилиш, муассаса маъносини билдиради. Унинг барча тарафдорлари иқтисодиётни система сифатида қараб, бунда хўжалик субъектлари ўртасидаги муносабатлар иқтисодий ва ноиқтисодий омиллар таъсирида шаклланиб, бу омиллар орасида техника - иқтисодий омиллар ниҳоятда катта роль ўйнайди деб ҳисобланилади.

Институт тушунчаси бунда кенг маънода қўлланилади: давлат, корпорация, касаба, иттифоқ каби рақобат, монополия, солиқлар, шунингдек, доимий тафаккур тарзи ва юридик нормалар ва институт деб аталади. Иқтисодий назариянинг бу йўналишида капитализм камчиликлари: монополиялар тазйиқи, эркин бозор стихияси камчиликлари, иқтисодиётнинг ҳарбийлаштирилишининг ўсиши, «истеъмолчилар жамияти» нинг айрим негатив томонлари танқид қилинади.

ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯ НИМАНИ ЎРГАТАДИ?

Иқтисодий назария фани тўғрисида ягона, битта жавоб бериб бўлмайди. Иқтисодий назарияга ҳар хил таъриф берилган. Назария сиёсий иқтисод деб юритилган пайтларда, дастлаб уни айирбошлаш ҳақидаги фан деб юритишган. Кейинчалик физиократлар унинг предметига ишлаб чиқариш фаолиятини, айниқса деҳқончиликни киритишган.

Инглиз классик сиёсий иқтисоди асосчилари сиёсий иқтисод ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмолни тадқиқ қилувчи фан деб ҳисоблайдилар. Улар иқтисодга доир ашъвий алоқаларнигина эмас, шу билан бирга кишилар ўртасидаги муносабатларни, айниқса уларнинг тақсимот соҳасидаги муносабатларини тадқиқ қилдилар. Бу эса А. Смит ва Д. Рикардоларга капиталистик жамият бойлигининг келиб чиқиш сирларини очишга, капиталистларнинг фойдаси ёлланма ходимларнинг ҳақ тўланмаган меҳнати натижаси деган хулосага келишига имкон берди.

Иқтисодий назарияда К.Маркс ва Ф.Энгельс янги йўналишни асосладилар. Улар инглиз классик иқтисодчиларининг қийматнинг меҳнат назарияси ва қўшимча қиймат назариясини янада чуқурроқ тадқиқ қилдилар. Бу йўналиш шунга асосланадики, реал ҳаётда «умуман ишлаб чиқариш» йўқ, балки ҳар бир тарихий даврда маълум ижтимоий ишлаб чиқариш усули мавжуд бўлиб, у иқтисодий назария фанининг предмети ҳисобланади. Шу асосда улар иқтисодиётда ҳам ижтимоий, ҳам ашъвий алоқаларни ўзаро биргаликда олиб тадқиқ қилдилар.

Ҳозирги ғарб иқтисодчилари эса иқтисодий назарияда ҳўжаликдаги ашёвий алоқаларни чуқур тадқиқ қилишга ўтдилар ва бу соҳада математика ва статистикадан кенг фойдаланиб, катта ютуқларга эришдилар. Бу муваффақиятлар учун америка олимлари П. Самуэльсон, Василий Леонтьев, Мильтон Фридман, инглиз тадқиқотчиси Фридрих Фон Хайек ва бошқалар иқтисодий фан соҳасида Нобель мукофотига сазовор бўлдилар.

Юқоридагилардан шундай хулоса келиб чиқадики, иқтисодий назария қандай фан деганда, унга аниқ ва лўнда қилиб, бир хил жавоб бериб бўлмайди. Шу боисдан Америка иқтисодчиси П. Самуэльсон иқтисодий назария предмети тўғрисида «Экономика» дарслигининг 1-томида куйидагиларни ёзади:

1. Иқтисодий назария айирбошлаш, пулли битимлар билан боғлиқ иқтисодий фаолият турлари тўғрисидаги фан.

2. Иқтисодий назария ҳар хил товарларни (буғдой, мол гўшти, пальто, концертлар, йўллар, кичик кемалар) ишлаб чиқариш мақсадида кишилар томонидан ноёб ва чекланган унумли ресурслардан (ер, ишлаб чиқаришга мўлжалланган товарлар, меҳнат, машиналар, техникавий битимлар) фойдаланиш тўғрисидаги фан

3. Иқтисодий назария кишиларнинг кундалик тадбиркорлик фаолияти, кишиларнинг тирикчилик маблағи топиш, ундан фойдаланиш тўғрисидаги фан.

4. Иқтисодий назария инсониятнинг истеъмол ва ишлаб чиқариш борасида ўз вазифаларини қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги фан.

5. Иқтисодий назария бойлик тўғрисидаги фан.

Юқоридаги таърифларда иқтисодий назария предмети қисмларга бўлиб баён этилган. Бу таърифларда асосий масала иқтисодий назария фани предметиға кишилар, бутун жамият иқтисодий фаолиятининг киритилишидир.

Демак, иқтисодий назария — бу ижтимоий фан бўлиб у нисбатан чекланган ресурслар билан эҳтиёжларни қондириш мақсадида моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишда кишилар ва гуруҳлар фаолияти ва улар ўртасидаги ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини ўрганади ва тадқиқ қилади.

The first part of the report discusses the general situation of the economy in the country, including the impact of the international environment and the domestic market. It is followed by a detailed analysis of the various sectors, such as agriculture, industry, and services. The report also examines the government's economic policies and their effectiveness. The final section provides conclusions and recommendations for future development. The data presented is based on the most reliable sources available at the time of writing.

The following table shows the main indicators of economic growth and development over the period covered by the report.

Year	GDP Growth (%)	Inflation (%)	Unemployment (%)	Foreign Reserves (USD Billion)
1990	10.5	12.0	15.0	20.0
1991	8.0	10.0	18.0	18.0
1992	9.0	11.0	16.0	22.0
1993	11.0	13.0	14.0	25.0
1994	12.0	14.0	13.0	28.0

кўра билиш эса ҳаракатга олиб келади. Иқтисодий назария иқтисодий сиёсат асосида, у орқали эса кундалик амалиёт соҳасига кириб бориши лозим.

Демак, иқтисодий назария фани барча иқтисодий фанларнинг назарий асоси ҳисобланади. Шу билан бир қаторда иқтисодий назария фани экономикаси фани каби амалий фан ҳам ҳисобланади. Бу масалада ярим аср олдин Жон Мейнард Кейнс (1883-1946) шундай деган эди: «Иқтисодчилар ва сиёсий фикрловчиларнинг ғоялари - улар ҳақ бўлсалар ҳам ва хатога йўл қўйсалар ҳам - одатда кишилар ўйлаганига нисбатан катта аҳамиятга эгадир. Чунки амалда ана шулар дунёни бошқарадилар. Амалиётчи одамлар эса, улар ўзларининг интеллектуал таъсирдан бутунлай ҳоли деб ҳисобласаларда, одатда ўтмишдаги қандайдир бир иқтисодчининг қули ҳисобланадилар».

Бизнинг онгимиз учун кураш олиб бораётган ҳозирги замон идеологияси асосан ўтмишда улуғ иқтисодчилар, жумладан, Адам Смит, Давид Рикардо, Жон Стюард Милл, Карл Маркс ва Жон Мейнард Кейнс асарлари таъсирида шаклланди. Ҳозирги пайтда жаҳондаги энг машҳур давлат арбоблари, давлат бошлиқларининг иқтисодий сиёсат муаммолари масалаларида иқтисодчилардан маслаҳат сўрашлари ва тавсияномалар олишлари одатдаги иш бўлиб қолди. Масалан, АҚШ Президенти доимо ўзининг Иқтисодий консультантлари кенгашидан тавсия олиб туради. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг ўзи иқтисодий соҳада йирик мутахассис бўлгани ҳолда, Ўзбекистоннинг буюк давлатга айланиши учун етарли зарур шарт - шароитлар яратиш мақсадида кўплаб иқтисодчилар ва бошқа мутахассислар билан ҳам тез-тез маслаҳатлашиб туради ва уларнинг тавсиялар бериб туришларини талаб қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир фандаги назарий қоидалар ҳаққонийлигининг бош мезони-ҳаёт, объектив ҳақиқатдир. Шу нуқтаи назардан иқтисодий назариянинг функцияларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Иқтисодий назариянинг билиш функцияси-бу кишилик жамияти тараққиётининг барча тарихий босқичларида моддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишни ўрганиш, иқтисодий та-

раққиёт қонунлари ва тенденцияларини очиб беришдан иборатдир.

Иқтисодий назариянинг билиш функцияси амалий функция билан бевосита боғлиқ. У фактларни кўрсатиш билангина чеклана олмайди, балки иқтисодий ҳаётнинг туб моҳиятига кириб боради, хўжалик тараққиётларини бошқарувчи қонунларни очиб беради.

Иқтисодий назариянинг танқидий функцияси ҳам бор. У ҳар хил ишлаб чиқариш усулининг эришган ютуқларини ҳамда камчиликларни очиб беради.

Ҳозирги шароитда иқтисодий назариянинг ижтимоий тараққиёт истиқболларини аниқлаш, илмий башоратлар қилишга қаратилган прогностик функцияси тобора катта аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги пайтда барча мамлакатларда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда иқтисодий назариянинг прогностик функцияси, хўжаликни рационал юритиш принциплари ва методларини, давлатнинг иқтисодий сиёсатини илмий асослаш, жамиятнинг иқтисодий стратегиясини ишлаб чиқиш, ижтимоий ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш янада муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда ва олимлар уни ҳал қилишга тобора кўпроқ иштирок этмоқда.

ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯ МЕТОДЛАРИ

Иқтисодий ҳаётни илмий билиш уни бевосита қабул қилишдан фарқ қилади, у иқтисодий жараён ва ҳодисаларнинг ичига чуқур кириб боради, уларнинг алоқалари ва бир-бирларига ўзаро боғлиқлигини очиб беради, социал ва иқтисодий тараққиётнинг сабаблари ва ҳаракатлантирувчи кучларини аниқлайди.

Борлиқни билишнинг бирдан-бир илмий ва умумий усули диалектик методдир. Диалектик метод иқтисодий ҳаёт жараёнлари ва ҳодисалари умумий алоқада ва бир-бирига ўзаро боғлиқ, улар доимо ривожланишда, бунинг натижасида у миқдор ўзгаришидан сифат ўзгаришига ўтади деб қарашни тақозо этади. Материалистик диалектика қарама-қаршиликлар бирлиги ва курашини тараққиёт манбаи деб ҳисоблайди.

Бошқа ижтимоий фанлар каби иқтисодий назарияда илмий абстракция методи катта аҳамиятга эгадир. Ана шу методни қўлланиш орқали ҳодиса ва жараёнлар моҳиятини чуқурроқ ўрганиш, фан қонунлари ва категорияларини очиб бериш имкони туғилди.

Абстракция туфайли ҳужалик ҳаётидаги жараён ва ҳодисаларнинг назарий ифодаси бўлган иқтисодий категориялар яратилди. Бу билимларнинг ҳаммаси ижтимоий тажрибада, жамият тараққиёти тажрибасида синовдан ўтди.

Ҳар қандай объект ўзаро бир-бирига боғлиқликдаги системада реал мавжуд бўлиб, уни тадқиқ қилишда индукция ва дедукция методи қўлланилади. Индукция бу тафаккур, фикрлар ҳаракатининг хусусийликдан умумийликка бориши. Дедукция тафаккурнинг умумий қоидаларидан хусусий ҳулосалар чиқаришдир.

Позитив таҳлил билан норматив таҳлилни бир-биридан фарқ қилмоқ керак. Позитив таҳлилда иқтисодий ҳодисалар ўзаро алоқаси қандай бўлса, шу ҳолича таҳлил қилинади. Масалан, товар баҳосининг ўсиши унга бўлган талабнинг камайишига олиб келади. Бунда ҳеч қандай норматив фикр, яъни баҳо бериш йўқ, фақат воқеа баён қилинади, холос. Бу ҳолат адолатлими ёки адолатсизми, яхшими ёки ёмонми, унга баҳо берилмайди.

Норматив қараш эса қандай бўлиши кераклигига асосланган, шу боисдан унда адолатли ёки адолатсиз, яхши ёки ёмон, мумкин ёки мумкин эмас, деб баҳо берилади. Масалан, бозор ҳўжалиги системасида даромадлардаги тенгсизлик, адолатсизлик ёки «биз ишсизликнинг йўл қўйиб бўлмайдиган юқори даражасига дуч келдик» - булар норматив таҳлилнинг типик намунаси. Давлат арбоблари иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишда одатда норматив таҳлилга доимо дуч келадилар.

Иқтисодий математик моделлаштириш тадқиқотнинг системали методларидан бири бўлиб, у иқтисодий ҳодисалар ўзгариши сабабларини, бу ўзгаришларнинг қонуниятлари ва оқибатларини аниқлаш имконини беради, иқтисодий жараёнларнинг кечишини башорат қилишга имкон беради.

Умуман, иқтисодий назарияни билишнинг калити иқтисодий фаннинг методларидир.

ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚОНУНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОБЪЕКТИВ ХАРАКТЕРИ

Табиат ва ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай соҳасида бўлгани каби иқтисодиётда ҳам тараққиёт қонуниятларига асосланилади.

И.Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида таъкидлайдики, «Иқтисодиёт фақат унга хос бўлган ички қонуниятлар асосида ривожланмоғи керак. Бизнинг вазифамиз уларни яхши тушуниб етишдан ва ўз ҳалқимиз манфаатлари йўлида моҳирона қўллашдан иборатдир»¹.

Иқтисодий қонунлар - бу бир марта эмас, балки доимо, кетма-кет, узлуксиз такрорланиб турувчи иқтисодий ҳодисалар ва иқтисодий жараёнларнинг ички моҳиятини ифодалайди.

Иқтисодий қонунлар ҳам табиат қонунлари сингари объектив қонунлардир, яъни улар ҳам кишиларнинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда амал қилади, кишилар истайдими-истамайди — ундан қатъий назар жамият тараққиётида иқтисодий қонунлар амал қила беради.

Аммо жамият ривожланишининг иқтисодий қонунлари табиат қонунларидан тубдан фарқ қилади. Уларнинг фарқлари қуйидагилардан иборат:

1) Табиат қонунлари — бу табиатнинг, табиий ҳаётнинг қонунларидир, Иқтисодий қонунлар эса - бу ижтимоий ҳаёт тараққиёти, кишилар ҳужалик фаолияти қонунларидир;

2) Табиий қонунлар — бу абадий қонунлар, иқтисодий қонунлар эса тарихий характерга эга;

3) Табиий қонунларни кашф этиш ва амалда қўллаш, ҳаётда ундан фойдаланиш озми-кўпми, нисбатан тинч ўтади, иқтисодий қонунлар эса жамиятнинг тугаб бораётган кучи томонидан қаттиқ қаршиликка учрайди.

Иқтисодий қонунлар ўзининг мажмуаси жиҳатидан жамият ривожланиши иқтисодий қонунлари системасини ташкил қилиб, у қонунларнинг ҳар хил гуруҳлари ва турларини ўз ичига олади.

¹ И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. Ўзбекистон.: 1998. 42-бет.

Жамият ривожланишининг иқтисодий қонунлари қуйидаги турларга бўлинади:

- 1) Умумий иқтисодий қонунлар;
- 2) Специфик, ўзига хос иқтисодий қонунлар;
- 3) Алоҳида, махсус иқтисодий қонунлар (бир қанча тизимларда амал қилувчи иқтисодий қонунлар).

Умумий иқтисодий қонунлар - бу барча тарихий даврларда ҳам амал қилувчи иқтисодий қонунлардир. Улар ижтимоий ишлаб чиқариш тараққиёти жараёнларини ифодалайди. Масалан, вақтнинг тежалиши қонуни, ижтимоий меҳнат тақсимоги қонуни, эҳтиёжларнинг ўсиб бориши қонуни ва б.

Специфик, ўзига хос иқтисодий қонунлар — бу хўжаликнинг маълум конкрет, тарихий формаси тараққиёти қонунларидир. Масалан, қулдорлик тузумида тақсимот қонуни, феодализмда тақсимот қонуни ва б.

Махсус, алоҳида иқтисодий қонунлар — бу уларнинг амал қилиши учун шароит сақланиб қоладиган тарихий тизимларга, даврларга хос бўлган иқтисодий қонунлардир. Масалан, қиймат қонуни товар ишлаб чиқариши мавжуд бўлган тарихий тизимда сақланиб қолади. Жамият ривожланишининг иқтисодий қонунларининг объективлигидан жамият аъзолари бу қонунлар олдида ожиз деган хулоса келиб чиқмайди. Кишилар, жамият аъзолари иқтисодий қонунларни ўрганишлари, билиб олишлари ва жамият манфаати йўлида бу иқтисодий қонунлардан фойдаланишлари мумкин.

«Бозор иқтисодиётига ўтиш, - деб таъкидлайди И. Каримов ўзининг «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида, - объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги «инқилобий сакрашлар» сиз, яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак»¹.

Иқтисодий назария фани учун иқтисодий категориялар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий категориялар — бу жамият иқтисодий ҳаётининг энг умумий ва энг муҳим томонларини ифодаловчи, акс эттирувчи мантиқий тушунчалардир. Масалан, талаб, таклиф, иш ҳақи, фойда, кредит, мулкчилик, бозор кабилар иқтисодий категориялар ҳисобланади.

¹ И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. Ўзбекистон.: 1998, 102-бет.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ УЧ АСОСИЙ МАСАЛАСИ

Ҳар қандай жамиятда ҳам иқтисодиётнинг асосий вазифаси – ресурсларнинг етишмаслиги ва жамият хоҳиш-истагининг чексизлиги, аммо имкониятларнинг чекланганлиги муаммосини ҳал этиш, ишлаб-чиқариш омилларининг энг самарали тақсимлаш усулини танлаб олишдан иборатдир. Шу боисдан ҳар қандай жамият қуйидаги уч масалага жавоб топиши лозим.

1. Нима? (яъни товарлар ва хизматлардан нимани ва қанча миқдорда ишлаб чиқариш лозим).

2. Қандай? (яъни бу товарлар ва хизматларни қандай ишлаб чиқариш лозим).

3. Ким? (яъни бу товарларни ким олади ва уни ким истеъмол қилади).

Нима? Товарлар ва хизматлардан нимани ва қанча миқдорда ишлаб чиқариш лозим. Айрим шахслар ва жамият асосан қандайдир бир буюмни ҳар хил йўллар билан яъни уни мустақил ишлаб чиқариш ёки ўзларида бўлган буюмни бошқа буюмга алмаштириши ёки у товарни совға тариқасида олиши мумкин. Жамият ҳамма нарсани ололмайди, шу боисдан нимани у бирдан олиши, нимани ҳозирча кейинга қолдириши, нимадан умуман воз кечишини белгилаб олиши лозим.

Баъзида бу танлаш анча оғир бўлади. Жумладан, кам ривожланган мамлакатлар шунчалик камбағалки, ишчи кучининг асосий қисми фақат аҳолини боқиш ва кийинтириш учун сарфланади. Бундай жамиятларда аҳоли турмуш даражасини ошириш учун ишлаб чиқаришни ривожлантириш лозим. Аммо аҳолининг ҳаммаси тўлиқ иш куни ишласа, ижтимоий ишлаб чиқариш даражасини қандай ошириш мумкин? Келажакда ижтимоий ишлаб чиқариш даражасини ошириш усулларида бири модернизациялаштиришдир. Бу эса озиқ-овқат ва кийим-кечак ишлаб чиқаришдаги иш кучининг бир қисмини бинолар, машиналар ва асбоб - ускуналар учун қўшимча капитал ишлаб чиқаришга сарфлашни билдиради. Демак, келажакда ялпи ишлаб чиқариш ўсиши учун камроқ озиқ - овқат ва кийим-кечак ишлаб чиқариш керак. Аммо, аҳолининг кўп қисми камбағал яшаётган мам-

лакатда озиқ-овқат ва кийим-кечакни озгина камайтириш ҳам ёппасига очарчиликка олиб келади. Шундай қилиб, товар ва хизматлардан нима ишлаб чиқариш ва уни қанча миқдорда ишлаб чиқаришни белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Қандай? Яъни бу товарлар ва хизматларни қандай ишлаб чиқариш лозим?

Масалан, маълум мактаб, касалхона ёки уйни, завод ёки фабрикани қуриш учун фақат битта вариант танлаш керак бўлади. Жумладан, мактаб кўп қаватли ёки бир қаватли бўлиши керакми? Завод ёки фабрика ҳам энг замонавий техника ва технология ёки эски технология асосида қурилиш керакми? Бу масалани ҳам ҳал этиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Ким? Яъни мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлардан ким фойдаланади? Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳам етарли даражада, мўл-кўл бўлмаганлиги туфайли барча эҳтиёжларни қондириш учун маҳсулотни тақсимлаш механизмини ишлаб чиқиш лозим. Масалан, ким ўз енгил машинасида юриши лозим. Кимлар жамоат транспортида, кимлар пиёда юриши лозим, каби масалаларни ҳал этиш лозим.

Жамият бу масалаларга ҳар хил усуллар билан жавоб беради. Масалан, баъзи мамлакатларда машҳур оилалардан чиққан кишилар бошқаларга нисбатан миллий даромаднинг кўпроқ қисмига эгалик қилади. Тадбиркор кишилар эса дангасаларга нисбатан миллий даромаддан кўпроқ ҳисса олиш имконига эга бўлади. Бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатларда ким бадавлат, ким камбағал, ким мулкдор, ким менежер, ким ишчи бўлишини бозор системаси ва ҳар хил мулкчилик системаси белгилаб беради.

Умуман, ҳар бир ижтимоий тузум Нима? Қандай? ва Ким учун? саволларига ўзининг жавобларини ишлаб чиққан.

ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯ ФАНИНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ

Кишиларнинг иқтисодий билимли бўлиши учун фақат битта иқтисодиёт фанининг ўзигина кифоя қилмайди, балки, ўзининг асосий вазифалари, предмети ва мантиқий усуллари

бўлган бир қанча мустақил конкрет иқтисодий фанлар орқали эришилади. Иқтисодий фанлар иқтисодни яхлит ўрганувчи ёки бу иқтисодни у ёки бу соҳасини ўрганувчи ёки корхона иқтисодини ўрганувчи фанлардан иборат. Шу нуқтаи назардан иқтисодий фанларни куйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

а) Конкрет иқтисодий фанлар. Бунга тармоқлар иқтисоди фанлари — саноат иқтисоди, қишлоқ хўжалиги иқтисоди, қурилиш иқтисоди, савдо иқтисоди, халқ таълими иқтисоди, корхоналар иқтисоди, мамлакатлар иқтисоди ва бошқалар;

б) Алоҳида иқтисодий формалар ва ташкилотлар иқтисоди — молия, кредит, маркетинг, менежмент, прогнозлаштириш, табиатдан фойдаланиш иқтисоди ва бошқалар;

в) Тарихий — иқтисодий фанлар-ҳалқ хўжалиги тарихи, иқтисодий таълимот тарихи ва бошқалар;

г) Информацион — аналитик фанлар-иқтисодий математик методлар, статистика, демография, хўжалик фаолияти таҳлили ва бошқалар.

Иқтисодий назария фани эса юқоридаги бир қатор комплекс иқтисодий фанларнинг методологик асоси ҳисобланади. Иқтисодий назариянинг асоси баён қилиш эмас, балки уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро бир-бирини тақозо этиши, яъни иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва қонунларни очиб беришдан иборатдир. Иқтисодий назария фани конкрет иқтисодий фанлар, шунингдек, социология, психология, тарих ва бошқа фанлар эришган ютуқлардан ҳам фойдаланади ва ҳисобга оладики, бунингсиз иқтисодий назария фани чиқарган хулосалар хато ва нотўғри бўлиши мумкин.

Демак, иқтисодий назария фани барча иқтисодий фанлар билан, шунингдек тарих, фалсафа, ҳуқуқшунослик, психология, социология каби бошқа фанлар билан ҳам бевосита алоқада бўлади.

Иқтисодий назария фани қанчалик ривожланган бўлса, аҳоли иқтисодий билим даражаси шунча юқори бўлади, бу эса ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланишига шунча кўп ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, агар жамиятнинг интеллектуал салоҳияти қанча юқори бўлса, мамлакат аҳолиси қанчалик иқтисодий билимли бўлса, иқтисодий назария фани шунча равнақ топади, унинг мамлакат иқтисодиёти учун аҳамияти шунча ортиб боради.

ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ НОБЕЛЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

Нобель мукофоти иқтисодий соҳада 1969 йилдан бошлаб тақдим қилинаёпти ва унга муяссар бўлиш илмий соҳада ниҳоятда катта муваффақиятга эришганлигини ҳалқаро миқёсда тан олишдир.

1969 йил - Ян Тимберген (1903 й., Голландия), Рагнар Фриш (1895 й. Норвегия). Иқтисодий таҳлилнинг математик методлари соҳасидаги ишлари учун.

1970 йил - Поль Самуэльсон (1915 й., АҚШ). Иқтисодий фанларнинг илмий таҳлилини такомиллаштириш соҳасидаги ишлари учун.

1971 йил - Саймон Кузнец (1901 й., АҚШ). Иқтисодий ўсишнинг амалий тадқиқотлари учун.

1972 йил - Кеннет Эрроу (1912 й. АҚШ), Жон Хикс (1904 й. Буюк Британия). Фаровонлик назарияси ва умумий иқтисодий тадқиқотлар соҳасидаги тадқиқотлари учун.

1973 йил - Василий Леонтьев (1906 й. АҚШ). «Ҳаражатлар чиқариш» методини ишлаб чиққанлиги учун.

1974 йил - Фридрих фон Хайек (1899 й. Австрия, АҚШ), Гуннар Мюрдаль (1899 й. Швеция). Пул назарияси конъюнктур тебраниш, иқтисодий, социал ва структура жараёнлари соҳасидаги тадқиқотлари учун.

1975 йил - Леонид Канторович (1912 й., СССР), Тьяллинг Купманс (1910 й. АҚШ). Ресурслардан оптимал фойдаланиш назарияси.

1976 йил - Мильтон Фридмен (1912 й., АҚШ). Пул тарихи ва назарияси, истеъмол таҳлили.

1977 йил - Жеймс Мид (1907 й., Буюк Британия), Бертиль Улин (1899 й., Швеция). Жаҳон савдоси ва капиталлар ҳаракатини тадқиқот қилиш.

1978 йил - Герберт Саймон (1916 й., АҚШ). Иқтисодий ташкилотларда қарорлар қабул қилиш системасининг таҳлили.

1979 йил - Артур Льюис (1915., АҚШ), Теодор Шульц (1902 й., АҚШ). Ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий жараёнларни тадқиқот қилиш

- 1980** йил - Лоуренс Клейн (1920 й., АҚШ). Иқтисодий моделларни ишлаб чиқиш ва улар асосида иқтисодий сиёсат ва цикллар таҳлили.
- 1981** йил - Жеймс Тобин (1918 й., АҚШ). Молиявий бозорнинг баҳо, ишлаб чиқариш, истеъмол, иш билан бандликка таъсири.
- 1982** йил - Жорж Стиглер (1911 йил., АҚШ). Иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришни тадқиқ қилиш ва бозорлар таҳлили.
- 1983** йил - Жерар Дебре (1921 йил., АҚШ). Умумий тенглик назарияси бўйича тадқиқотлар.
- 1984** йил - Ричард Стоун (1913 йил., Буюк Британия). Миллий ҳисоб - китоблар системасини ишлаб чиққанлиги учун.
- 1985** йил - Франко Модильяни (1919 й., АҚШ). Молиявий сиёсат таҳлили.
- 1986** йил - Жеймс Бьюкенен (1919 й., АҚШ). Молиявий сиёсат муаммолари.
- 1987** йил - Роберт Солоу (1924 й., АҚШ). Иқтисодий ўсиш назарияси бўйича ишлари учун.
- 1988** йил - Морис Аллэ (1911 й. Франция). Иқтисодий ўсиш, инвестиция, фойз ставкаларининг бир - бирига таъсири назариясини яратиш.
- 1989** йил - Трюгве Хаавельмо (1911 й., Норвегия). Эконометрия таҳлилини ривожлантириш.
- 1990** йил - Гарри Марковиц (1927 й., АҚШ), Мертон Миллер (1923 й., АҚШ), Уильям Шарп (1933 й., АҚШ). Молиявий бозорларнинг фундаментал муаммолари таҳлили.
- 1991** йил - Рональд Коуз (1910 й., Буюк британия, АҚШ). Мулкчилик ҳуқуқи ва трансакцион ҳаракатлар муаммолари бўйича тадқиқотлар.
- 1992** йил - Гари Беккер (1930 й., АҚШ). Инсон хулқининг бир қатор аспектларини ва нобозор хулқининг бир - бирига таъсирини микроиқтисодий таҳлил соҳаларида тарқатиш.
- 1993** йил - Дуглас Норт (1921 й., АҚШ), Роберт Фогель (1926 й., АҚШ). Иқтисодиёт тарихи соҳасида янги йўналиш («клиометрия»)ни, яъни иқтисодий тараққиёт тари-

- хини ўрганишда иқтисодий статистикадан фойдаланишни яратиш.
- 1994** йил - Рейнхард Зельтен (Германия), Жон Нэш, Жон Харшаньи (АҚШ). Иқтисодий жараёнларда ўйинлар назариясини қўллаганлари учун.
- 1995** йил - Роберт Лукас (АҚШ). Иқтисодиётда истеъмолчиларнинг етакчилик ролига бағишланган ишлар.
- 1996** йил - Жеймз Миррлис (Буюк Британия), Уильям Викри (АҚШ). Тўлиқсиз ахборотлар шароитида молиявий қарорлар қабул қилиш назариясини ишлаб чиқиш.
- 1997** йил - Роберт Мертон (АҚШ), Майрон Скоулз (АҚШ). Ишлаб чиқаришда қимматли қоғозларни баҳолаш усулини яратиш.
- 1998** йил-Амартия Сен (Amartya Sen) (Ҳиндистон). Иқтисодий фаровонлик назариясига қўнган ҳиссаси учун.
- 1999** йил-Роберт Мондел (Robert A. Mundell) (Канада). Курснинг ҳар хил ўзгариши шароитида монетар ва фискал сиёсатнинг таҳлили ва валюта соҳасининг оптимал таҳлили учун
- 2000** йил - Жеймс Хэкман (James J. Heckman). Даниэл Макфаден (Daniel L. McFadden) (АҚШ). Танланган нусхалар ва дискрет танлов таҳлили учун назария ва усулларни ишлаб чиққанлиги учун.
- 2001** йил -Жорж Эйкерлоф (George A. Akerlof), Мишель Спенс (A. Michael Spence), Жозеф Стиглиц (Joseph E. Stiglitz) (АҚШ). Ассиметрик ахборот билан бозор таҳлили олиб борганликлари учун.
- 2002** йил - Даниэл Кэнеман (Daniel Kahneman). Иқтисодий фанни психологик нуқтаи назардан, айниқса инсон фикрлаши ва қарор қабул қилишига нисбатан, қайта ўрганиб чиққанлиги учун.

- Вернон Смит (Vernon L. Smith)

Эмпирик иқтисодий таҳлилларнинг, айниқса муқобил бозор механизмларини тадқиқ қилишда, намунали лаборатория экспериментларини ўтказганлиги учун.

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ИҚТИСОДИЙ ТЕРМИНЛАР

Анализ ва синтез.

Баъзи ижтимоий - иқтисодий тизимлардагина амал қилувчи иқтисодий қонунлар.

Иқтисодиётнинг уч асосий масаласи.

Иқтисодий назария функциялари.

Иқтисодий - математик моделлаштириш.

Иқтисодий назария.

Иқтисодий назариядаги классик мактаб.

Иқтисодий категориялар.

Иқтисодий қонунлар.

Иқтисодий назария методлари.

Илмий абстракция.

Индукция ва дедукция.

Институционал - социологик.

Ишлаб чиқариш муносабатлари.

Ишлаб чиқарувчи кучлар.

Кейнсчилик.

Макроиқтисодиёт.

Маржинализм.

Марксча сиёсий иқтисод.

Мезоиқтисодиёт.

Меркантилизм.

Метоиқтисодиёт.

Микроиқтисодиёт.

Монетаризм.

Неоклассик йўналиш.

Неолиберализм.

Норматив таҳлил.

Позитив таҳлил.

Ўзига хос иқтисодий қонунлар.

Умумий иқтисодий қонунлар.

Физиократлар.

Экономикс.

МАВЗУДА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН КЎРГАЗМАЛИ ВОСИТАЛАР

1-жадвал

Иқтисодий назариянинг асосий йўналишлари

Йўналиш номи	Унинг мазмуни
Меркантелизм ⇒	Жамият бойлигининг манбаи савдо деб ҳисоблайдилар, айниқса халқаро савдога катта эътибор берадилар.
Физиократлар ⇒	Ижтимоий бойликнинг ягона манбаи қишлоқ хўжалиги деб ҳисоблайдилар.
Классик сиёсий иқтисод ⇒	Либерализм, иқтисодиётга давлатнинг энг кам аралашуви, бозорни талаб ва таклифга боғлиқ равишда шаклланувчи эркин нарх асосида ўз-ўзини бошқариш ғоясини тарғиб қилади. Улар қийматнинг ягона манбаи ишчи меҳнати ва синфлар даромади (иш ҳақи, фойда, процент, рента) асосида шу меҳнат ётади деб ҳисоблайдилар.
Марксча сиёсий иқтисод ⇒	Капиталистик тараққиёт қонунлари ва янги иқтисодий система сифатида социализм концепцияси ҳар томонлама тарғиб қилинади. Социалистик принциплар мажмуаси - ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчилик, меҳнатни эксплуатация қилишнинг йўқлиги, меҳнатга қараб ҳақ тўланиши, тўла иш билан бандлик, хўжаликни ягона план асосида юритиш тарзида кўрсатилади.
Маржинализм ⇒	Иқтисодий қонунлар ва категорияларни тадқиқ қилиш учун энг кўп миқдордан фойдаланишга асосланган методологик концепция.

Ҳозирги замон иқтисодий қарашларнинг
асосий йўналишлари

Йўналиш номи	Унинг мазмуни
<p>Неоклассик →</p>	<p>Талаб ва тақлиф. Бозордаги баҳо шаклланиши механизмида бир хил элементлар ҳисобланади деган қоидага асосланадилар. Унинг асосчиси Альфред Маршалл.</p>
<p>⇒ Кейнсчилик</p>	<p>Нақд пул ва нақд бўлмаган пул массаси орқали талабни кўпайтириш ёки камайтириш йўли билан иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришни тавсия этувчи назария. Улар иқтисодий жараёнлар динамикасида барча омиллардан тўла фойдаланишни тавсия этади.</p>
<p>Институционал-социологик →</p>	<p>Ҳўжалик субъектлари ўртасидаги муносабатлар иқтисодий ва но-иқтисодий омиллар тарзида шаклланиб, бунда техника-иқтисодий омиллар муҳим роль уйнайди деб ҳисобловчи концепция.</p>

Иқтисодиётнинг уч асосий масаласи

Нима?	Ушбу иқтисодий системада ва маълум вақт мобайнида имкони бор товарлар ва хизматлардан қайсиларини ишлаб чиқариш зарур?
Қандай?	Ишлаб чиқариш ресурсларининг қандай комбинацияси билан, бу технологиядан фойдаланиб, товар ва хизматларнинг имкони бор вариантларидан танлаб олиб ишлаб чиқарилади?
Ким учун?	Танлаб олинган товар ва хизматларни ким сотиб олади, ундан фойда олган ҳолда, ким ҳақ тўлайди? Ушбу товар ва хизматларни ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлган жамият ялпи даромади қандай тақсимланиши лозим?

Иқтисодий фанларнинг ўзаро алоқаси

	Конкрет иқтисодий фанлар	
	Тармоқлар иқтисоди; Корхоналар иқтисоди; Мамлакатлар иқтисоди ва ҳ.к	
Айрим иқтисодий фор- ма ва ташкилот- лар иқтисоди	Иқтисодий назария	Информацион- аналитик фан- лар
Молия; кредит; маркетинг; менежмент; габиатдан фойда- ланиш иқтисоди ва ҳ.к.		Иқтисодий- математик методлар; Статистика; Хўжалик фао- лиятини таҳлил қилиш ва ҳ.к.
	Тарихий-иқтисодий фанлар	
	Иқтисодий таълимот тарихи Қалқ хўжалиги тарихи ва ҳ.к	

ЎЗИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

Саволлар:

1. Меркантилизмнинг моҳияти нимадан иборат?
2. Физиократларнинг қарашлари нималардан иборат?
3. Иқтисодий назариядаги классик мактаб нимани тарғиб этган?
4. Марксча сиёсий иқтисод-иқтисодий назариядаги қандай йўналиш?
5. Маржинализм қандай концепция?
6. Экономикс қандай фан?
7. Иқтисодий назариянинг таърифи нимадан иборат?
8. Микроиқтисодиёт қандай фан?
9. Макроиқтисодиёт қандай фан?
10. Мезоиқтисодиёт нимани ўргатади?
11. Метоиқтисодиёт нимани ўргатади?
12. Неоклассикларнинг қарашлари нималардан иборат?
13. Монетаризм назариясининг моҳияти нима?
14. Кейнсчиликнинг моҳияти нимадан иборат?
15. Институционал - социологик йўналиш қандай концепция?
16. Иқтисодий назария методлари нималардан иборат?
17. Иқтисодий қонунларнинг таърифи қандай?
18. Иқтисодий категориялар қандай тушунчалар?
19. Меҳнат нима?
20. Меҳнат предмети нима?
21. Меҳнат воситалари нима?
22. Ишлаб чиқариш воситалари нима?
23. Ишлаб чиқариш омили нима?
24. Ишлаб чиқарувчи кучлар нима?
25. Ишлаб чиқариш муносабатлари нима?
26. Ишлаб чиқариш муносабатлари қандай муносабатларни ўз ичига олади?

Жавоблар

а) Бойликнинг манбаи қишлоқ хўжалигида яратилган маҳсулот билан харажат ўртасидаги фарқдан иборат деб ҳисоблайдилар.

б) Капиталистик тараққиёт қонунлари ва янги иқтисодий система сифатида социализмни ҳар томонлама тадқиқ қилишга асосланган концепция.

в) Жамиятнинг чекланмаган моддий эҳтиёжларини қондириш мақсадида камёб иқтисодий ресурслардан фойдаланиш тўғрисидаги фан.

г) Айрим ажралган иқтисодий бирликларни ва конкрет товарлар ва хизматларни тадқиқ қилувчи фан.

д) Миллий иқтисодиётнинг қисмлари ва халқ хўжалигининг айрим тармоқлари фаолиятини ўрганувчи фан.

е) Талаб ва таклиф бозордаги баҳо шаклланиш механизмида бир хил элементлар ҳисобланади деган қоидага асосланувчи концепция.

ж) нақд пул ва нақд бўлмаган пул массаси орқали талабни кўпайтириш ёки камайитириш йўли билан бозор иқтисодиётини давлат томонидан бошқаришни тавсия этувчи йўналиш.

з) Илмий абстракция, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, позитив ва норматив таҳлил, тарихий ва мантиқий, иқтисодий математик моделлаштириш, иқтисодий экспериментлар.

Иқтисодий таҳлилнинг қиймат, бозор, товар, баҳо, фойда каби энг муҳим тушунчалари.

к) Киши меҳнати йўналтирилган барча нарсалар.

л) Меҳнат предмети билан меҳнат воситалари.

м) Ишлаб чиқариш воситалари ва уларни ҳаракатга келтирувчи маълум билим, ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган кишилар.

н) Социал иқтисодий, ташкилий иқтисодий, техник - иқтисодий.

о) Жамият бойлигининг манбаи савдодан келиб чиқади, деб ҳисоблайдилар ва айниқса ташқи савдога катта эътибор берадилар.

п) Либерализм, иқтисодиётга давлатнинг энг кам аралашувисиз бозорни талаб ва тақлифга боғлиқ ҳолда шаклландуви эркин нарх соҳасида ўз-ўзини бошқариши.

р) Иқтисодий қонунлар ва категориялар тадқиқ қилиш учун энг кўп миқдордан фойдаланишга асосланган методологик принциплардан бири.

с) Нисбатан чекланган ресурслар билан эҳтиёжларни қондириш мақсадида моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишда кишилар ва гуруҳлар фаолияти ва улар ўртасидаги муносабатларни ўргатуви фан.

т) Иқтисодиётни яхлит ҳолича, шунингдек, унинг уй ҳўжалиги, бизнес, давлат сектори каби муҳим умумлашган қисмларини тадқиқ қилувчи фан.

у) Жаҳон иқтисодиётининг жаъми фаолиятини ўргатуви ва тадқиқ қилувчи фан.

ф) Давлатнинг пул массаси, пул эмиссияси, муомаладаги пул миқдорини назорат қилиш, давлат бюджетини баланслаштириш ва кредитга юқори банк проценти белгилаш йўли билан иқтисодиётни бошқаришни тавсия этувчи назария.

х) Иқтисодиётни система сифатида қараб, бунда ҳўжалик субъектлари ўртасидаги муносабатлар иқтисодий ва но-иқтисодий омиллар тарзида шаклланади ва бунда техника - иқтисодий омиллар муҳим роль ўйнайди, деб ҳисоблайдиган концепция.

э) Ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларнинг зарур бўлган, доимо узлуксиз такрорланиб турадиган мустақкам алоқаси, ўзаро боғланиши, яъни иқтисодий ҳаёт жараёнларининг моҳияти.

ю) Кишиларнинг маълум мақсадга қаратилган онгли фаолияти

я) Киши меҳнат предметига таъсир қиладиган ва маҳсулот ишлаб чиқаришда қўлланиладиган нарсалар.

у) Ер, меҳнат, капитал, тадбиркорлик фаолияти.

к) Моддий ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида бўладиган муносабатлар.

НАЗОРАТ УЧУН ТЕСТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1. Иқтисодий назария фанининг энг маъқул таърифини кўрсатинг.

- а) Бозор, бозор баҳосининг ташкил топиши каби айрим субъектларга доир қонуниятларни тадқиқ қилувчи фан.
- б) Жамиятнинг чекланмаган моддий эҳтиёжларини энг кўп даражада қондириш мақсадида камёб (чекланган) иқтисодий ресурслардан фойдаланиш тўғрисидаги фан.
- в) Нисбатан чекланган ресурслар билан эҳтиёжларни қондириш мақсадида моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишда кишилар ва гуруҳлар фаолияти ва улар ўртасидаги муносабатларни ўрганувчи фан.
- г) Кишилиқ жамиятининг турли босқичларида моддий неъматларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнида кишилар ўртасидаги муносабатларни ва иқтисодий қонунларни ўрганувчи фан.
- д) Юқоридагиларнинг ҳаммаси тўғри.

2. Иқтисодий назария шаклланиши ва тараккиётининг асосий босқичларини кўрсатинг.

- а) классик иқтисодий назария;
- б) физиократлар;
- в) Марксча сиёсий иқтисод;
- г) Меркантилизм;
- д) Юқоридагиларнинг ҳаммаси тўғри.

3. Ҳозирги замон иқтисодий назариясининг асосий йўналишларини кўрсатинг.

- а) Иқтисодий назариядаги классик мактаб;
- б) Меркантилизм ва физиократлар;
- в) Меркантилизм ва марксча сиёсий иқтисод;
- г) Неоклассик, кейнсчилик, институционал-социологик;
- д) Юқоридагиларнинг ҳаммаси тўғри.

4. Иқтисодий назариянинг асосий қисмлари нималардан иборат?

- а) Метоиқтисодиёт;
- б) Микроиқтисодиёт;
- в) Мезоиқтисодиёт;
- г) Макроиқтисодиёт;
- д) Юқоридагиларнинг ҳаммаси тўғри.

5. Иқтисодиётнинг уч асосий масаласи нималардан иборат?

- а) Ким учун ишлаб чиқариш керак?
- б) Қандай ишлаб чиқариш керак?
- в) Нима ишлаб чиқариш керак?
- г) Юқоридагиларнинг ҳаммаси нотўғри;
- д) а), б), в) тўғри.

6. Иқтисодий назариянинг методларини кўрсатинг.

- а) Илмий абстракция, анализ ва синтез;
- б) Индукция ва дедукция, позитив ва норматив таҳлил;
- в) Тарихий ва мантиқий, иқтисодий математик моделлаштириш;
- г) Юқоридагиларнинг ҳаммаси тўғри;
- д) Юқоридагиларнинг ҳаммаси нотўғри;

7. Иқтисодий қонун таърифини кўрсатинг.

- а) Иқтисодий анализнинг энг муҳим тушунчалари;
- б) Ижтимоий - иқтисодий ҳодисаларнинг зарур бўлган, доимо такрорланиб турадиган мустақкам алоқаси, иқтисодий ҳаёт жараёнлари моҳияти;
- в) Давлатнинг ўз функцияларини амалга оширадиган асосий методларидан бири;
- г) Юқоридагиларнинг ҳаммаси тўғри;
- д) Юқоридагиларнинг ҳаммаси нотўғри;

8. Иқтисодий қонун турларини кўрсатинг.

- а) Ҳуқуқий, халқаро, миллий;
- б) Умумий, махсус, айрим ишлаб чиқариш тизимларидагина амал қилувчи;
- в) Абадий, тадрижий, қисқа муддатли;
- г) Фазовий, вақтинчалик, ички;
- д) Юқоридагиларнинг ҳаммаси нотўғри.

9. Қайсылари умумий иқтисодий қонунлар таркибига кирмайди?

- а) Вақтни тежаш қонуни;
- б) Меҳнат унумдорлигининг ўсиши қонуни;
- в) Эҳтиёжларнинг ўсиб бориш қонуни;
- г) Талаб ва таклиф қонуни;
- д) Ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар характериға ва тараққиёт даражасига мос келиши қонуни.

10. Умумий иқтисодий қонунлар мазмунини аниқланг.

- а) Иқтисодий анализнинг энг муҳим тушунчалари;
- б) Ижтимоий ишлаб чиқариш мақсади ва унга эришиш воситаларни билдирувчи;
- в) Барча ижтимоий - иқтисодий тизимларда амал қилувчи;
- г) Жонли ва буюмлашган меҳнатни тежаш;
- д) Юқоридагиларнинг ҳаммаси нотўғри.

11. Иқтисодий категориянинг таърифини белгиланг.

- а) Ишлаб чиқаришнинг мақсадини билдирувчи;
- б) Иқтисодий ҳаёт жараёнлари моҳияти;
- в) Иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим тушунчалари;
- г) Давлат органларининг қонун чиқариш соҳасидаги фаолияти;
- д) Юқоридагиларнинг ҳаммаси тўғри.

ИҚТИСОДИЙ ТЕРМИНЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ЛУГАТИ

- Алоҳида (бир қанча ижтимоий - иқтисодий тизимларда) амал қилувчи иқтисодий қонунлар**-бу иқтисодий қонунлар айрим ижтимоий-иқтисодий тизимлардагина амал қилади, жумладан, қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонуни.
- Анъанавий ёки архаик система**-бу нима ишлаб чиқариш, қандай ишлаб чиқариш, ким учун ишлаб чиқариш вазифалари кўп асрлик урф-одатлар ва анъаналар асосида ҳал қилинадиган система.
- Аралаш иқтисодиёт**-турли-туман хўжалик формалари мавжуд система бўлиб, улар ёрдамида иқтисодиётнинг уч асосий масаласи ҳал этилади. Шунингдек, бозор муносабатлари билан давлатнинг бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётини ҳам аралаш иқтисодиёт дейилади.
- Бозор - иқтисодиёти**-бу иқтисодиётнинг уч асосий масаласи: товар ва пул муносабатлари асосида, талаб ва таклиф асосида ҳал этиладиган система.
- Иқтисодий категориялар**-иқтисодий анализнинг қиймат, товар, баҳо, таннарх, фойда каби энг муҳим тушунчалари.
- Иқтисодий қонунлар**-ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларнинг зарур бўлган, доимо, узлуксиз, такрорланиб турадиган мустақкам алоқаси, ўзаро боғлиқлиги, яъни иқтисодий ҳаёт жараёнларининг моҳиятидир.
- Иқтисодий қонунларнинг табиат қонунлардан фарқлари:**
- табиат қонунлари абадий қонунлар, иқтисодий қонунлар тарихий қонунлар.
 - табиат қонунларининг яратилиши ва қўлланилиши озми-кўпми бир текис давом этади, иқтисодий қонунлар эса жамиятнинг ўлиб борувчи кучи томонидан жуда каттиқ қаршиликка учрайди.
 - табиат қонунлари — бу табиатда амал қилувчи қонунлар, иқтисодий қонунлар-бу кишиларнинг

хўжалик фаолиятини, ижтимоий ҳаёт тараққиёти қонунлари.

Иқтисодий қонунларнинг турлари: умумий иқтисодий қонунлар; ўзига хос иқтисодий қонунлар; алоҳида ижтимоий-иқтисодий тизимларда амал қилувчи иқтисодий қонунлар.

Иқтисодий назария-нисбатан чекланган ресурслар билан эҳтиёжларни қондириш мақсадида моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишда кишилар ва гуруҳлар фаолиятини ва улар ўртасидаги ижтимоий-ишлаб чиқариш муносабатларини ўрганувчи ва тадқиқ қилувчи ижтимоий фан.

Иқтисодий назариянинг функциялари-билиш, методологик, амалий, башорат қилиш.

Иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг асосий типлари: Анъанавий ёки архаик система. Маъмурий-қўмондонлик системаси. Бозор муносабатлари ва эркин рақобатга асосланган иқтисодиёт. Аралаш иқтисодиёт.

Иқтисодий назария методлари-диалектик метод, илмий абстракция, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, позитив ва норматив таҳлил, тарихий ва мантикий, иқтисодий математик моделлаштириш, иқтисодий экспериментлар.

Иқтисодий назариядаги классик мактаб-либерализм, иқтисодиётга давлатнинг энг кам аралашуви, бозорни талаб ва таклифга боғлиқ ҳолда шакллануви, эркин баҳо, нарх асосида ўз-ўзини бошқариш ғоясини тарғиб қилади. Улар қийматнинг ягона манбаи ишчининг меҳнати ва ҳар хил синфлар даромади, иш ҳақи, фойда, процент, рента асосида шу меҳнат ётади деб ҳисоблайдилар.

Иқтисодий назариянинг асосий йўналишлари: меркантилизм, физиократлар, классик сиёсий иқтисод, марксча сиёсий иқтисод, маржинализм.

Институционал-социологик йўналиш-иқтисодиётни система сифатида қараб, бунда хўжалик субъектлари ўртасидаги муносабатлар иқтисодий ва ноиқ-

тисодий омиллар тарзида шаклланади, айниқса, бу омиллар орасида техник-иқтисодий омиллар муҳим роль ўйнайди, деб ҳисоблайдиган концепция.

Иш кучи-ишчиларнинг меҳнат қилиш қобилияти, кишиларда бўлган ва меҳнат қилиш жараёнида ишга солинадиган жисмоний ва маънавий қобилиятлар йиғиндиси.

Ишлаб чиқариш воситалари-меҳнат предмети билан меҳнат воситалари йиғиндиси.

Ишлаб чиқариш муносабатлари-моддий неъматлар ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида бўладиган муносабатлар.

Ишлаб чиқариш муносабатлари:

- социал-иқтисодий муносабатлар;
- ташкилий-иқтисодий муносабатлар;
- техник-иқтисодий муносабатлар.

Ишлаб чиқариш омиллари-ер, меҳнат, капитал, тадбиркорлик фаолияти.

Ишлаб чиқарувчи кучлар-ишлаб чиқариш воситалари ва уларни ҳаракатга келтирувчи, маълум билим, ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган кишилар.

Кейнсчилик-нақд пул ва нақд бўлмаган пул массаси орқали талабни қўлайтириш ёки камайтириш йўли билан ривожланган бозор иқтисодиётини давлат томонидан бошқаришни тавсия этувчи фан.

Ҳозирги замон иқтисодий назариясининг асосий йўналишлари: неоклассик, кейнсчилик, институционал-социологик.

Ҳозирги иқтисодий назариянинг уч асосий масаласи - Нима? Қандай? Ким учун?

- **Нима ишлаб чиқариш керак?**-бу қандай неъматлар ишлаб чиқариш, қандай сифат билан ишлаб чиқариш ва қандай миқдорда ишлаб чиқариш ҳақида бир қарорга келиш.
- **Қандай ишлаб чиқариш керак?**-бу қандай ноёб, чекланган ресурслар ёрдамида ва қандай комбинация билан, қандай технология ёрдамида мод-

дий неъматлар ишлаб чиқариш ҳақида бир қарорга келиш.

- **Ким учун ишлаб чиқариш керак?**-бу ишлаб чиқарилган моддий неъматлар кимга насиб этиши ва унга қандай миқдорда тегишини ҳал қилувчи муаммодир.

Макроиқтисодиёт-иқтисодиётни яхлит ҳолича, шунингдек, унинг уй ҳўжалиги, бизнес, давлат сектори каби энг муҳим умумлашган қисмларини тадқиқ қилувчи ва бунинг учун умумлашган иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланадиган ва тадқиқ қиладиган иқтисодий фан.

Маржинализм-иқтисодий назарияда иқтисодий қонунлар ва категорияларни тадқиқ қилиш учун энг куп миқдордан фойдаланишга асосланган методологик принциплардан бири; асосий маржиналистик концепция энг кўп фойдалилик, энг кўп унумдорлик, талаб, фирма, баҳолар, бозор тенглиги ҳақидаги ҳозирги буржуа назариясида қўлланилмоқда.

Марксча сиёсий иқтисод-иқтисодий назариядаги йўналишлардан бири бўлиб, унда капиталистик тараққиёт қонунлари ва янги иқтисодий система сифатида социализм коммунизм концепцияси ҳар томонлама тадқиқ қилинади. Социалистик принциплар мажмуаси-ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчилик, ёлланма меҳнатни эксплуатация қилишнинг йўқлиги, бир хил меҳнатга бир хил ҳақ тўланиши, умумий ва тўла иш билан бандлик, ҳўжаликни ягона режа асосида юритиш тарзида кўрсатилади. Аммо бу назария XX аср охирига келиб инқирозга учради ва ундаги айрим қоидалар ўзини оқламади.

Маъмурий-қўмондонлик система-бу иқтисодиётнинг уч асосий масаласи давлат ва бошқариш органлари томонидан буйруқ ва план-директива ёрдамида ҳал қилинадиган системадир.

Мезоиқтисодиёт-миллий иқтисодиётнинг қисмлари ва ҳалқ ҳужалигининг айрим тармоқлари фаолиятини ўрганувчи ва тадқиқ қилувчи фан.

Меҳнат воситалари-киши меҳнат предметиға таъсир қиладиган ва маҳсулот ишлаб чиқаришда қўлланиладиган воситалар.

Меҳнат - кишиларнинг маълум мақсадға қаратилган онгли фаолияти.

Меҳнат предмети-киши меҳнати йўналтирилган барча нарсалар.

Меркантилизм-жамият бойлигининг манбаини муомала соҳасидан излайдилар, улар савдо вакиллари бўлиб, бойлик савдодан келиб чиқади, деб ҳисоблайдилар, айниқса халқаро савдоға катта эътибор берадилар.

Метоиқтисодиёт-жаҳон иқтисодиёти жаъми фаолиятини ўрганувчи ва тадқиқ қилувчи фан.

Микроиқтисодиёт-тармоқлар, фирмалар каби айрим ажралган иқтисодий бирликлар, шунингдек, айрим бозорлар, конкрет баҳолар, конкрет товарлар ва хизматларни тадқиқ қилувчи фан.

Монетаризм-давлатнинг пул массаси, пул эмиссияси, муомаладаги пул миқдорини назорат қилиш, давлат бюджетини баланслаштириш ва кредитға юқори банк проценти белгилаш йўли билан иқтисодиётни бошқаришни тавсия этувчи назария.

Неоклассиклар-бу йўналиш талаб ва таклиф бозордаги баҳо шаклланиши механизмида бир хил элементлар ҳисобланади, деган қоидаға асосланади.

Неолиберализм-иқтисодиётға давлат аралашувини қисқартириш зарур деган назария.

Сиёсий иқтисод - биринчи марта 1615 йилда француз Антуан де Монкретъен томонидан илмий оборотға киритилган. Сиёсий иқтисод кишилиқ жамияти ривожланишининг турли босқичларида моддий неъматларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнида кишилар ўртасидаги муносабатларни ва жамият ривожланиши иқтисодий қонунларини ўргатувчи ижти-

мой фан. Аммо у иқтисодий ҳаёт жараёнларни тадқиқ қилишни сиёсат билан боғлаб олиб боради.

Табиий ресурслар-ер, нефть, сув, ўрмонлар, газ, руда конлари ва ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган чекланган бошқа ноёб табиий омиллар.

Умумий иқтисодий қонунлар-бу барча ижтимоий - иқтисодий тизимларда амал қилувчи иқтисодий қонунлар. Масалан, эҳтиёжнинг ўсиб бориши қонуни, меҳнат унумдорлигининг ўсиши қонуни.

Физиократлар-бойликнинг манбаи қишлоқ хўжалигида яратилган маҳсулот билан ҳаражат ўртасидаги фарқдан иборат деб ҳисоблайдилар. Аммо уларнинг хатоси шундаки, бойликнинг манбаи фақат деҳқончиликдаги меҳнат деб биладилар.

Экономикс-жамиятнинг чекланмаган моддий эҳтиёжларини энг кўп даражада қондириш мақсадида камёб иқтисодий ресурслардан фойдаланиш тўғрисидаги ижтимоий фан.

Ўзига хос специфик иқтисодий қонунлар-фақат битта ижтимоий-иқтисодий тизимда амал қилувчи иқтисодий қонунлар масалан, қулдорлик тузуми иқтисодий қонунлари ёки феодал тузуми иқтисодий қонунлари.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Ўзбекистон.: 1992.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари:

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти қонунлари эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни. 2000 йил 15 июль.

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. 1998 йил 30 апрель.

Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат) хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. 1998 йил 30 апрель.

Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. 1998 йил 30 апрель.

Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуни. 1998 йил 30 апрель.

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни. 1998 йил 30 август.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонуни. 2002 йил 12 декабр.

Президент Фармонлари:

«Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».
1997 йил 31 декабрь.

«Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида».
1998 йил, 9 апрель.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

«Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида». 1998 йил 22 апрель.

- «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида». 1998 йил 27 май.
- «Жисмоний шахслар тамонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига таварлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида». 2002 йил 6 май.
- «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларни олиб келиш ва олиб чиқишни тартибга солиш тўғрисида». 2002 йил 20 август.

- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995 йил.
- Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, 1998 йил.
- Каримов И.А. «Бунёдкорлик йўлидан». Асарлар. 4-том. Т., «Ўзбекистон», 1996.
- Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари, Тошкент, 1998 й.
- Амалий иқтисодиёт. Тошкент, 1998, 1 боб.
- Борисов Е.Ф. Основы экономической теории. М., «Новая волна», 1996, 1 боб.
- Камаев В.Д. и др. Экономическая теория. Учебник. М., 1999.
- Курс экономической теории. Учебное пособие. Москва, 1992.
- Курс экономической теории. Киров, «Аса», 1995, 2 боб.
- Макконнелл К.Р., Брю С.Л., Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2 т. Т. 1. М., «Республика», 1992, 1 боб.
- Общая экономическая теория. Учебник. М., Промо-Медиа, 1995, 5-57 бетлар.
- Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Тошкент, 1999
- Рузавин Г.И. Основы рыночной экономики. М. 1996, 1 боб
- Самуэльсон П. Экономика. В 2 т. Т. 1. М., «Алгон», 1992
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика, М., Дело ЛТД, 1993, 1-2 боблар.
- Экономическая теория. Учебник. Т., 1999
- Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари, Тошкент, 1998
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент, 1995, 1 боб.

II. ИЖТИМОЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АСОСЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ – ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАР

Маъруза учун тавсия этиладиган режа:

1. Ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар.
2. Иқтисодиёт ресурслари ва уларнинг чекланганлиги.
3. Ижтимоий ишлаб чиқариш омиллари ва улар тўғрисидаги ҳар хил қарашлар.
4. Ижтимоий маҳсулот ва унинг таркиби.
5. Ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш.
6. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва унинг кўрсаткичлари.

Семинар машғулотлари учун тавсия этиладиган режа:

1-машғулот

1. Ижтимоий ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг марксистик ва маржиналистик талқини.
2. Ижтимоий маҳсулот ва унинг таркибий қисмлари.
3. Ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол.
4. Вақтни тежаш қонуни. Меҳнат унумдорлиги ва унга таъсир қилувчи омиллар.

2-машғулот

5. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва уни ўстириш йўллари.
6. Иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив типлари.
7. Иқтисодиётда технологик танлаш.
8. Қўшимча харажатларнинг ўсиб бориш иқтисодий қонуни. Альтернатив қиймат.

МАЪРУЗАНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА УНИНГ БОШ ФУНКЦИЯСИ

Иқтисодиёт — бу кишиларнинг шундай фаолият соҳаси-ки, бу фаолият натижасида уларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондириш учун бойлик яратилади.

Ҳозирги иқтисодиётни миллий хўжалик деб қабул қилинган. У турли хил тармоқлар-саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо, транспорт ва хўжалик фаолиятининг турли соҳаларидан иборат кўплаб корхоналарни ўз ичига олади. Уларнинг ҳаммаси кишилар ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган неъматлар ва хизматлар яратадилар. Иқтисодиёт узлуксиз бойликнинг икки асосий турини: истеъмол буюмлари ва ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаради.

Жамият учун иқтисодиётнинг аҳамияти шу билан белги-ланадиги, у узлуксиз истеъмол буюмлари — озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва бошқа фойдали буюмлар билан таъминлайди, бусиз бирор кишининг ҳам яшаши мумкин эмас. Шу боисдан халқ хўжалигининг бош функцияси — кишиларнинг ҳар хил эҳтиёжларини қондирадиган бойлик ишлаб чиқаришдан иборат.

Маълумки, ҳар бир мамлакат хўжалигининг ривожланганлиги даражасига биринчи турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари — истеъмол буюмларининг ҳажми, турли-туманлиги, сифати ва аҳолининг улар билан таъминланганлиги даражаси бўйича баҳо берилади. Бунда иқтисодий назария тез ўтадиган ва тасодифий ҳодисаларни эмас, балки иқтисодий статистикадаги факт ва рақамларни илмий умумлаштириш орқали ўрганади. Чунки 10, 20 ва ҳоказо маълум йиллар давомида хўжалик ҳаётидаги оммавий ҳодиса ва жараёнлар асосида аниқ хулоса чиқариш мумкин.

Миллий хўжаликнинг бош функциясини иккинчи турдаги натурал бойлик-ишлаб чиқариш воситалари-пахта, нефть, металл, ёғочлар, станок кабиларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқармасдан истеъмол буюмлари ишлаб чиқариб бўлмайди. Шу боисдан иккинчи турдаги кўрсаткич-аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Жамият бойлигининг натурал формасидан ташқари бутунлай бошқа тури ҳам мавжуд. Товар хўжалигининг ривожланиши натижасида бойликнинг учинчи тури-пул ҳам келиб чиқади. Пул товар қийматининг белгиси, муомала воситаси, яъни моддий неъматларни сотиш ва сотиб олиш воситаси ҳисобланади. Пул ёрдамида бозордаги айирбошлаш ниҳоятда тезлашади ва фойдали буюмлар ишлаб чиқариш кенгаяди. Шу билан кишилар бойишининг алоҳида соҳаси, яъни пул, қийматни кўпайтириш йўли билан бойиш келиб чиқади ва ривожланади.

Ҳозирги иқтисодийёт икки табиий турдаги ва қиймат, пул формасидаги бойлик ишлаб чиқаришнинг ягона жараёнидан иборатдир. Шу боисдан халқ хўжалигининг ривожланиш даражаси ҳақида статистиканинг натурал ва қиймат таққос-кўрсаткичларини таққослаш орқали тўғри баҳо бериш мумкин.

ЭҲТИЁЖЛАР ВА УЛАРНИНГ РОЛИ

Эҳтиёж — бу кишининг алоҳида психологик ҳолати, ҳаёт фаолиятининг ички ва ташқи шарт-шароитлари ўртасидаги номувофиқлик, кишининг «қониқмаслик» ҳолатидир. Шу боисдан эҳтиёж пайдо бўлган номувофиқликни бартараф этишга қаратилган фаолиятни тобора кучайишига айлана боради. Инсон ўзининг эҳтиёжини қондиришнинг реал имкониятларини излайди, бундай имкониятни топа олмаса тушкунликка тушади ёки бу эҳтиёжни унга яқин бўлган бошқа эҳтиёж билан алмаштиришга ҳаракат қилади. Бевосита ҳаёт фаолияти билан боғлиқ бўлган зарурият билан бундай қилинмайди.

Инсон эҳтиёжи кўп қирралидир. Жумладан, субъектлар (эҳтиёжларни олиб юриши) бўйича у индивидуал, группали, жамоа ва ижтимоий эҳтиёжларга бўлинади. Объектлар бўйича (у қаратилган нарсалар бўйича) кишиларнинг талаблари моддий, маънавий, ахлоқий ва эстетик эҳтиёжларга бўлинади. Фаолият соҳаси бўйича у меҳнатга эҳтиёж, суҳбатга эҳтиёж, рекреация (дам олиш, меҳнат қобилятини тиклаш) ва иқтисодий эҳтиёжларга бўлинади.

Юқоридаги эҳтиёжлар орасида иқтисодий эҳтиёжларни

таҳлил қилайлик. Иқтисодий эҳтиёжлар — бу инсон эҳтиёжининг бир қисми бўлиб, уни қондириш учун неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш зарур. Худди ана шулар ишлаб чиқариш билан инсоннинг қониқмаган талаби ўртасидаги ўзаро бир-бирига таъсирига фаол иштирок этади. Бу ўзаро таъсир нималардан иборат?

Ишлаб чиқариш эҳтиёжга бир неча йўналишлар билан таъсир кўрсатади:

1. У конкрет товарлар яратиб, кишиларнинг маълум талабларини қондириш имконини беради. Бу талабларни қондириш ва истеъмол қилинган фойдали буюмлар ўз навбатида янги талаблар пайдо бўлишига олиб келади. Масалан, киши машина олса, унга энди гараж, ёнилғи, запас қисмлар каби кўп нарсалар керак бўлади.

2. Фан-техника тараққиётининг тезлашуви сифат жиҳатидан янги-янги эҳтиёжларни келтириб чиқаради. Масалан, видеомагнитофон ишлаб чиқариш уни сотиб олишга эҳтиёж тундиради.

3. Ишлаб чиқариш кўп жиҳатдан фойдали буюмларни қўлланиш усулларига таъсир қилади ва маълум турмуш маданиятини шакллантиради. Масалан, ибтидоий киши учун оловда пиширилган бир парча гўшт ҳам кифоя қилар эди. Ҳозирги замон кишисига эса бир парча гўштни пишириш учун газ плита кабилар зарур. Иқтисодий эҳтиёжлар ўз навбатида ишлаб чиқаришга тескари таъсир қилади.

4. Эҳтиёж конкрет ҳаёт фаолияти учун шарт-шароит ҳисобланади.

5. Кишиларнинг талаблари сон ва сифат жиҳатидан тез ўзгариб туради. У доимо янги-янги эҳтиёжларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Иқтисодий эҳтиёжлар доимо ишлаб чиқаришдан олдин юради.

6. Эҳтиёжлар доимо хўжалик фаолиятининг қуйи босқичидан янада юқори босқичига ўтишига таъсир кўрсатади.

Ҳозирги цивилизация эҳтиёжларнинг бир қанча турларини билади:

а) физиологик эҳтиёжлар (озиқ-овқат, сув, кийим-кечак, уй-жой, насл қолдириш ва б.);

б) хавфсизликка эҳтиёж (ташқи душманлар ва жиноятчилардан ҳимоя, касалланганда ёрдам, қашшоқликдан ҳимоя ва б.);

в) ижтимоий контакт, алоқага эҳтиёж (кишилар билан мулоқотда бўлиш, дўстлик ва севги);

г) ҳурматга эҳтиёж (бошқа кишилар томонидан ҳурмат қилиш, ўзаро ҳурмат, маълум ижтимоий мавқега эга бўлиш);

д) ўз-ўзини ривожлантириш эҳтиёжи (инсоннинг барча имкониятлари ва қобилиятларини такомиллаштириш).

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти эҳтиёжларнинг ўсиб бориши қонунининг амал қилаётганлигини яққол кўрсатади. Бу қонун ишлаб чиқариш ва маданият ўсиб бориши билан кишилар талаб эҳтиёжи ўсиб ва такомиллашиб боришининг объектив зарурлигини ифода этади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ ВА ИМКОНИАТЛАРИ

Ишлаб чиқариш — бу моддий неъматлар тайёрлаш жараёнидир. Маҳсулот тайёрлаш билан инсон табиатдаги объектларга таъсир қилади ва уларни ўзининг моддий эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган маълум формага келтиради. Демак, ишлаб чиқариш — бу бевосита истемол учун ёки ишлаб чиқаришни янада давом эттириш учун табиатдаги буюмларга ишлов беришдир. Ишлаб чиқаришнинг бу функцияси ҳар қандай социал тизимда ҳам сақланиб қолади.

Ҳўш, бу моддий неъматларни тайёрлаш учун қандай омиллар иштирок этади. Иқтисодий назарияда ишлаб чиқариш омиллари деб ишлаб чиқариш имконияти ва натижасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатувчи энг муҳим элемент ёки объект тушунилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган бундай омиллар жуда кўп. Шу боисдан уларни катта гуруҳларга бирлаштириш, классификация қилиш зарур.

Бу омилларни гуруҳларга бўлишда ҳар хил қарашлар мавжуд. Марксча назария бу омилларга ишчи кучи, меҳнат предмети ва меҳнат воситаларини киритади ва уларни катта икки гуруҳга - ишлаб чиқаришнинг шахсий омили ва ишлаб чиқаришнинг ашёвий омилига бўлади. Ишлаб чиқаришнинг

шахсий омилига иш кучи - инсоннинг меҳнатга бўлган жисмоний ва интеллектуал қобилиятлари йиғиндиси киритилади.

Ишлаб чиқаришнинг ашёвий омилига эса барча ишлаб чиқариш воситалари мажмуаси киритилади. Ишлаб чиқаришнинг шахсий ва ашёвий омиллари ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатувчи мураккаб системадан иборат бўлиб, унинг самардорлигини ишлаб чиқариш технологияси ва ташкил этилиши белгилаб беради. Шу билан бирга технология ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари ўртасидаги ўзаро таъсирини ифодалайди. У турли-туман қайта ишлаш методлари, хусусиятларининг ўзгариши, формалари, меҳнат предмети ҳолатларидан фойдаланишни тақозо этади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан ишлаб чиқариш барча омилларининг бир-бирига мос амал қилиши, уларнинг мутаносиб нисбати, бир-бирининг ўрнини эгаллаб олиши ва бошқалар таъминланади. Маржинализм назарияси эса ишлаб чиқариш омилларининг тўрт гуруҳини: ер, меҳнат, капитал ва тадбиркорлик фаолиятини кўрсатади.

Ер табиий омил сифатида, капитал товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган неъматларнинг мажмуаси сифатида, меҳнат неъматлар ва хизматлар тайёрлаш учун йўналтирилган интеллектуал ва жисмоний фаолият, тадбиркорлик фаолияти эса ишлаб чиқаришни ташкил этишда ташаббус, ҳаракат ва таваккалчиликдан фойдаланишни тақозо этадиган ишлаб чиқаришнинг махсус, специфик омили сифатида қаралади. Тадбиркорлик фаолияти ўзининг ҳажми ва натижаси жиҳатидан юксак малакали меҳнат харажатларига тенглаштирилади.

Демак, ишлаб чиқариш омилларини классификация қилишда марксизм билан маржинализмда турли хил қарашлар мавжуд: Биринчидан, марксизмда ишлаб чиқариш омилларини ишлаб чиқаришнинг социал йўналишини белгилаб берувчи иқтисодий категория сифатида қаралади. Ишлаб чиқариш жараёнининг ана шу омиллари асосида жамиятнинг синфий таркиби ва синфларнинг «адолат» учун кураши зарурлиги шаклланади, деб қаралади. Маржиналистлар эса бу омилларни умумий иқтисодий элементлар сифатида қараб, буларсиз ишлаб чиқариш жараёнини тасаввур этиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

Иккинчидан, маржиналистлар меҳнат предмети ва меҳнат воситаларини капитал деб, табиий ресурсларни эса алоҳида фонд деб тушунадилар. Марксистлар эса табиий ресурслар, меҳнат предмети ва меҳнат воситаларини ишлаб чиқаришнинг ягона ашёвий омили сифатида қарайдилар.

Учинчидан, маржиналистлар тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқариш омили сифатида тан оладилар, марксистлар эса уни инкор этадилар. Демак, омилларни классификация қилишдаги фарқ табиий ишлаб чиқаришни таҳлил қилишда синфий нуқтаи назардан қарашдир.

Ҳозирги постиндустриал жамият иқтисодий назарияси ахборот ва иқтисодий омилларни ҳам ишлаб чиқариш омили сифатида қарайди. Бу омилларнинг иккаласи ҳам ҳозирги фан ютуқлари билан боғлиқ бўлиб, улар ишлаб чиқариш самарадорлигига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Ҳозирги ишлаб чиқаришда ишлаб чиқаришнинг экологик омили ҳам тобора катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Чунки атроф-муҳитнинг заҳарланиши, ифлосланиши, зарарли таъсир кўрсатиш даражаси иқтисодий ўсиш имкониятини ё чеклайди, ёки унга ижобий таъсир кўрсатади. Демак, ишлаб чиқариш жараёнида барча омилларни қўллагандагина ишлаб чиқариш бўлиши мумкин. У ёки бу буюмни, хизматни ишлаб чиқаришда юқоридаги омилларнинг маълум турлари талаб қилинса-да, аммо улар орасида ер, меҳнат ва капитал муҳим ўрин эгаллайди. Шу билан бирга, бу омиллар бири бири билан ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради.

Реал ҳаётда тадбиркор фойдаланадиган технологияда энг кўп маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида ишлаб чиқариш омиллари - ер, меҳнат, капиталнинг энг яхши нисбатини танлаб олишга интилади. Ишлаб чиқариш омилларининг маълум нисбати билан бу омиллардан фойдаланиб олинган маҳсулот ҳажми ўртасидаги нисбат ишлаб чиқариш функциясини билдиради. Демак, ишлаб чиқариш функцияси ресурс харажатлари билан маҳсулот ишлаб чиқариш ўртасидаги технологик боғлиқликни характерлайди.

Ишлаб чиқариш натурал-буюм шаклида уч хил омилни ўз ичига олади. Биринчи омил-субъектив, инсон омили. Ишлаб чиқариш учун маълум билим ва меҳнат малакасига эга

бўлган кишилар зарур. Бундан биринчи яратувчи куч меҳнат деган маъно келиб чиқади.

Моддий ишлаб чиқаришдаги меҳнат-бу кишиларнинг маълум мақсадга қаратилган онгли фаолияти бўлиб, бу фаолият натижасида кишилар ўз эҳтиёжларини қондириш учун ўзлари яратган воситалар билан табиатдаги буюмларни ўзгартирадидилар ва ўз эҳтиёжларига мослаштирадидилар.

Иккинчи омил – ашёвий, меҳнат воситалари. Унга кишилар фойдали неъматлар яратиш учун қўлланадиган моддий буюмлар, нарсалар киради.

Меҳнат воситалари таркибига ишлаб чиқариш жараёнининг табиий шарт-шароитлари, масалан, хўжалик мақсадида ишлатиладиган сувлар ва техника, яъни сунъий шарт-шароитлари – кишилар томонидан яратилган маҳаллий воситалари киради. Улар ўз навбатида меҳнат қуролидаги (инструментлар, машиналар, асбоб-ускуналар, химиявий ишлаб чиқариш аппаратлари ва бошқалар), шунингдек, меҳнатнинг умумий моддий шарт-шароитлари (ишлаб чиқариш бинолари, каналлар, йўллар ва бошқалар)ни ўз ичига олади.

Учинчи омил-ашёвий, меҳнат предметлари. Булар нарсалар ёки буюмлар мажмуаси бўлиб, кишилар меҳнат воситалари билан уларни қайта ишлайдилар. Меҳнат предметлари ҳам табиат буюмлари ва хомашёни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқаришнинг учала омили технология ёрдамида бир-бирлари билан боғланадилар. Технология-ишлаб чиқариш жараёнларини олиб бориш усуллари ва воситалари тўғрисидаги билимлар мажмуасидир.

Шуни таъкидлаш керакки, ишлаб чиқариш омиллари эҳтиёжга нисбатан чеклангандир. Бу чекланганлик ёки абсолют (ресурсларни кўпайтириб бўлмайди), ёки нисбий (омилларни кўпайтириш мумкин, лекин эҳтиёжларнинг ўсишига нисбатан камроқ) бўлиши мумкин.

Агар истиқболдаги эҳтиёжларни ҳам ҳисобга олмаса, омиллар етишмовчилиги янада яққол кўринади. Шу муносабат билан ишлаб чиқариш имкониятини белгилаш мумкин. **Ишлаб чиқариш имконияти** ресурсларни тўлиқ фойдаланган ҳолда энг кўп даражада маҳсулот ишлаб чиқаришни тушунади.

Хўжалик воситалари етишмовчилиги шароитида альтернатив танлашдан фойдаланилади. Яъни ишлаб чиқариш


омилларининг қўлланиши мумкин бўлган барча вариантларидан энг мақсадга мувофиқ бўлганини танлаб олинади. Буни оддий мисолда кўрсатиш мумкин.

Ишлаб чиқариш имкониятлари жадвали

Вариантлар	Истеъмол буюмлар (млн.дона)	Меҳнат воситалари (млн.дона)
1	700	0
2	550	70
3	250	120
4	0	200

Мамлакат ҳукумати биринчи вариантда аҳоли турмуш даражасини ошириш учун мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланиб 700 млн.дона истеъмол буюмлари ишлаб чиқариши мумкин. Тўртинчи вариантда корхоналарда фақат техника тараққиёти кўзда тутилади ва 200 млн. янгиланган меҳнат воситаларидан ишлаб чиқарилади. Альтернатив танлашни юқоридаги ишлаб чиқариш имкониятлари жадвали яққол кўрсатиб турибди. Жадвалда ишлаб чиқариш омилларидан альтернатив қўлланиш ҳолатлари ҳам кўриниб турибди. Бу ҳолатни ишлаб чиқариш имкониятлари графигида ҳам кўрсатиш мумкин:

Ишлаб чиқариш имкониятлари графиги



Ишлаб чиқариш воситалари (млн.буюм)

Реал ҳаётда кўплаб неъматлар бўйича ишлаб чиқариш имкониятларини аниқлашга тўғри келади. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда маҳсулотнинг миллионлаб турларини ҳисоблашга тўғри келади.

ИҚТИСОДИЁТДА ТЕХНОЛОГИК ТАНЛАШ

Иқтисодий назария кўрсатадики, ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ресурслар чекланган, ноёб ҳисобланади. Айниқса, жамият ривожланиб борган сари ресурсларнинг чекланганлиги янада яққол бўла боради. Ресурсларнинг чекланганлиги ундан альтернатив фойдаланишни белгилаб беради.

Бу ҳолатни яққол кўриш учун Америка иқтисодчиси П.Самуэльсоннинг рақамлардаги мисолидан фойдаланиш мумкин. Фараз қилайлик, иккита товар-замбарак ва ёғ ишлаб чиқариш зарур. Бу товарлар фуқаролик ва ҳарбий ишлаб чиқаришнинг альтернативлигини кўрсатишда фойдаланилади. Масалан, жамиятнинг барча ресурсларини ёғ ишлаб чиқаришга сарфланади. Унинг 5 млн. кг ҳажмини мавжуд ресурсларнинг таъминотда ишлаб чиқариш мумкин бўлган максимум (энг кўп даража) деб ҳисоблайлик. Худди шу ресурс-технологик ҳолатда ёғ ишлаб чиқаришнинг альтернативи замбаракдан максимум 15 минг дона ишлаб чиқариш мумкин.


Аммо жамият ёғ ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартиргандагина, замбаракка ҳам эга бўлиши мумкин. Шунингдек, ресурслар чекланганлигини ҳисобга олганда ёғ (мой) ва замбаракни ишлаб чиқариш ҳажми альтернатив бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга улар ўзаро бир-бирини тўлдиради. Қуйидаги жадвалда альтернатив имкониятлар аҳамияти келтирилган.

Ёғ ва замбарак ишлаб чиқаришнинг альтернатив имкониятлари

1-жадвал

Имкониятлар	Замбарак (минг дона)	Ёғ (млн. кг)
A	15	0
B	14	1
C	12	2
D	9	3
E	5	4
F	0	5

Юқоридаги ишлаб чиқариш имкониятларини график тарзида ҳам кўрсатиш мумкин, бунда горизонтал чизиқда ёғ, вертикал чизиқда замбарак кўрсатилган.



Графикда рақамларни ёзиб, уларни бирлаштиргач, биз эгри чизиқли (қабарикли) ишлаб чиқариш имконияти ёки трансформациясига эга бўламиз.

Трансформациянинг иқтисодий аҳамияти шундан иборатки, иқтисодиёт тўла бандлик шароитида доимо альтернатив, яъни у ресурсларни қайта тақсимлаш йўли билан фуқаролик ишлаб чиқариши билан ҳарбий ишлаб чиқариш ўртасидаги энг қулай имкониятни танлаб олиши мумкин.

Жамият ишлаб чиқариш имкониятларининг максимал даражасида ҳам бир пайтнинг ўзида ҳам ҳарбий, ҳам гражданлик ишлаб чиқаришини кўпайтириш ва S нуқтасига етиши мумкин эмас.

ИЖТИМОЙ МАҲСУЛОТ ВА УНИНГ СТРУКТУРАСИ

Ишлаб чиқариш натижаси маҳсулотдир. Ҳар қандай маҳсулот икки хусусият билан характерланади: кишиларнинг у ёки бу эҳтиёжларини қондира билиш қобилияти ва унда муассамлашган ижтимоий меҳнат харажатлари. Шунга мувофиқ маҳсулотнинг моддий-ашёвий ва ижтимоий томони ҳам бир-биридан фарқ қилинади. Маҳсулотнинг механик, физик, химик ва бошқа фойдали хусусиятлари кишиларнинг қандайдир эҳтиёжларини қондира билиш имконини туғдиради. Маҳсулотнинг бу хусусияти истеъмол қиймат дейилади.

Кишиларнинг эҳтиёжи турли-туман: овқатга, кийим ва уй-жойларга бўлган эҳтиёж, маданий, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжлар бўлганидек, истеъмол қийматлар ҳам жуда турли-тумандир. Фан ва техниканинг ривожланиши билан ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондира бориш имкониятлари ҳам ортиб боради.

Меҳнат тақсимооти натижасида маҳсулот турлари ниҳоятда кўпайиб боради. Истеъмол қиймат сифатида маҳсулот икки турга бўлинади:

1. Истеъмол буюмлари-кишиларнинг шахсий эҳтиёжларини қондиради.
2. Ишлаб чиқариш воситалари-жамиятнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиради.

Шунга мувофиқ ишлаб чиқариш икки бўлинмага: ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўлинмаларига бўлинади.

Истеъмол қиймат бўлиш учун маҳсулот, албатта нарса, буюм бўлиши шарт эмас. Моддий характерга эга бўлмаган хизматлар — маориф, медицина хизматлари, маданият ва маиший соҳалар ҳам истеъмол қийматга эга бўлади. Кишиларнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари илмий, информацион, транспорт ва бошқа хизматлар орқали қондирилади. Хизмат ҳажми ва сифати-мамлакат иқтисодий тараққиётининг ва аҳоли турмуш даражасининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Демак, ишлаб чиқариш ва шахсий хизматлар - ижтимоий маҳсулотнинг таркибий қисми, уларни ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат эса унумли, ижтимоий фойдали меҳнатнинг бир қисми бўлиб майдонга чиқади.

Маҳсулотнинг иккинчи томони шундан иборатки, у ўзида маълум миқдорда сарфланган киши меҳнатини мужассамлаштиргандир. Бу иқтисодий ҳаётда катта роль ўйнайди. Чунки бу истеъмол қиймати унинг жамиятга қанчага тушганлигини билдиради.

Табиат маҳсулотларидан бошқа ҳар қандай моддий неъмат ёки хизмат меҳнат натижасидир. Истеъмол қиймати эса **конкрет меҳнат** натижасидир. Аниқ мақсадга қаратилган меҳнатга конкрет меҳнат дейилади.

Маҳсулотнинг иккинчи томони эса умуман киши меҳнатини, кишиларнинг мускул, нерв ва ақлий энергиялари-

нинг сарфланиши натижасида вужудга келадиган меҳнатни ўзида акс эттиради. Бундай меҳнат абстракт меҳнат дейилади. Абстракт меҳнат маҳсулотнинг иккинчи хусусияти-қийматни яратади, маҳсулотнинг ўзи эса товар формасини олади.

Агар маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларга эътибор берилса, у жонли меҳнат ва ишлаб чиқариш воситалари харажатларини ўз ичига олади. Аммо ишлаб чиқариш воситалари учун ҳам қачонлардир меҳнат харажатлари сарфланган. Иқтисодий назарияда ҳар бир маҳсулотни ишлаб чиқариш учун жонли ва буюмлашган меҳнат сарфланади деб қабул қилинган. Шунингдек, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган билимлар, информациялар олиш учун ҳам меҳнат сарфланади. Демак, инсоният ўтмиш меҳнатни буюмлашган ҳолдагина эмас, балки информация тарзида ҳам жамғаради. Шундай қилиб, меҳнат харажатлари: жонли ва ишлаб чиқариш воситаларида буюмлашган ва информацияда мужассамлашган ўтмиш меҳнатлардан иборат бўлади.

Ижтимоий меҳнат тақсимотига асосланган ҳар қандай ишлаб чиқариш ижтимоий ишлаб чиқаришдан, унинг натижаси ижтимоий маҳсулотдан иборатдир. Жами ижтимоий маҳсулот бугун жамиятда яратилган истеъмол қийматлар йиғиндисидир. У маълум давр ичида, масалан, бир йил ичида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча звеноларидаги барча ижтимоий меҳнат харажатларини ўзида акс эттиради.

Ижтимоий маҳсулот таркибига барча моддий ва номоддий неъматлар ва хизматлар киради. У ижтимоий ишлаб чиқариш турли соҳаларида яратилади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш моддий ва номоддий ишлаб чиқаришга бўлинади. Моддий ишлаб чиқариш таркибига моддий неъматлар ишлаб чиқаришга тааллуқли тармоқлар ва корхоналар (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш) ва моддий хизматга тааллуқли тармоқлар (транспорт, савдо, коммунал хўжалик, маиший хизмат) киради.

Номоддий ишлаб чиқаришга номоддий неъматлар (маънавий, ахлоқий ва бошқа қимматли нарсалар) ва кўрсатиладиган номоддий хизматлар (соғлиқни сақлаш, маориф, илмий консалтация ва бошқалар) киради.

Аммо шуни таъкидлаш керакки, халқ хўжалигининг айрим тармоқлари маҳсулотининг бир қисми (хом ашё, материаллар, ёқилғи) ишлаб чиқаришда маълум даврда, масалан, 1 йилда сарфланади ва кейинги босқичларда маҳсулот ишлаб чиқариш асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун такрорий ҳисоб-китоб вужудга келади.

Шу боисдан пировард маҳсулот жами маҳсулотнинг муҳим формасидир. У жами ижтимоий маҳсулотдан такрорий ҳисоб-китобларни чегириб ташлаш, яъни меҳнат предметларининг барча оборотларини чегириб ташлаш йўли билан ҳосил қилинади. Шу билан бирга унга меҳнат воситаларида гавдаланган меҳнат харажатлари қўшилади. Бу қисм ижтимоий ишлаб чиқаришни кенгайтириш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Халқ хўжалигининг пировард маҳсулоти миқдорига ҳозирги даврда БМТ методологияси билан ҳисобланадиган ялпи миллий маҳсулот миқдори яқин келади. У эса ишлаб чиқариш принципига қараб эмас, балки миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида халқ хўжалигининг барча тармоқларида ташкил топадиган даромад йиғиндиси сифатида ҳисобланади. Унга амортизация ажратмалари ҳам қўшилади.

Агар жами ижтимоий маҳсулотдан ўтмишда буюмлашган меҳнатни чегириб ташланса, соф маҳсулот ҳосил бўлади. У пировард маҳсулотдан камдир. Соф маҳсулот асосан шахсий истеъмолга аталган истеъмол буюмлари ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ишлаб чиқариш воситаларидан иборатдир.

Иқтисодий назарияда ва ҳозирги ҳисоб-китоб, статистика тажрибасида соф маҳсулотдан тадбиркорлардан олинган эгри солиқларни чегириб ташланса, қолган қисми миллий даромад дейилади. У пул формасида бўлади ва ривожланиш суръатини юксалтиришга хизмат қилади.

Иқтисодий назарияда соф маҳсулотни зарурий ва қўшимча маҳсулотларга бўлиш муҳим роль ўйнайди. Зарурий маҳсулот - соф маҳсулотнинг иш кучини нормал такрор ҳосил қилиши учун талаб қилинадиган қисмидир. У овқатланиш, кийим-кечак харажатлари, уй-жойни сақлаш, маълумот олиш, экология эҳтиёжлари ва бошқаларни қоплайди.

Кўшимча маҳсулот — зарурий маҳсулотдан ажралиб чиққан. У ходимнинг яшашини таъминлаш учун зарур бўлган меҳнат натижаларидан ошиқ қисмидир. Кўшимча маҳсулот кишилиқ жамияти ривожланишининг маълум босқичида меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан ходимлар ўз яшаш воситасидан ошиқча моддий неъмат яратиш имконига эга бўлиши натижасида пайдо бўлди.

ИЖТИМОЙ БОЙЛИКНИНГ ДОИРАВИЙ ҲАРАКАТИ

Ижтимоий бойлиқ маълум доира бўйича ҳаракат қилади: ишлаб чиқариш - тақсимлаш - айирбошлаш - истеъмол. Бу доиравий айланишнинг бошланғич фазаси бевосита ишлаб чиқариш, яъни фойдали маҳсулотлар тайёрлашдан иборат бўлган яратувчилик жараёнидир. Бу вақтда ходимлар табиат кучлари ва буюмларини кишилар эҳтиёжини қондириш учун мослаштирадидлар.

Ишлаб чиқариш бутун иқтисодиёт учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки, агар маҳсулот яратилмаса, табиийки, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишга ҳеч нарса бўлмайди. Бу ҳақиқатни, айниқса, миллий хўжалиқ даражаси жуда паст бўлган мамлакатлар аҳолиси яққол сезмоқда. Бундай мамлакатларда аҳоли фаровонлигини кескин ошириш имконияти йўқ. Бунга аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш тўғрисидаги маълумотлар яққол мисол бўла олади. Агар 1992 йилда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотни АҚШда 100% деб олсак, бу кўрсаткич Германияда — 89.1, Японияда — 87.2, Канадада — 85.3, Танзанияда — 2.7, Мозамбикда — 2.5, Эфиопияда — 1.5% ни ташкил этди.

Тақсимлаш — доиравий ҳаракатнинг шундай фазасики, бунда аввало киши эҳтиёжларининг турларига мувофиқ ҳар хил неъматлар ишлаб чиқаришдаги миқдор нисбатлари ўрнатилади. Кўплаб турли-туман фойдали буюмлар ишлаб чиқариш учун ходимларни ва меҳнат қуроолларини хўжалиқ фаолиятининг турлари бўйича жойлаштириш лозим. Бундай меҳнат тақсимооти жамият ривожланиши билан тобора чуқурлашиб ва кенгайиб боради.

Тақсимлаш, охир оқибатда, ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат харажатлари натижасида шаклланадиган даромадга тегишлидир. Шу йўл билан яратилган бойликда ҳар бир кишининг ҳиссаси аниқланади. У, бир томондан, тайёрланган неъматлар миқдориغا боғлиқ. Ишлаб чиқариш ўсиб бориши билан тақсимланадиган даромад ҳам кўпайиб боради. Иккинчи томондан, маҳсулотларни тақсимлаш усули буюмлар ишлаб чиқариш миқдорининг кўпайишига жуда катта таъсир кўрсатади. Агар ходим ўз хўжалик фаолиятидан қанча кўп даромад олса, у шунча яхши ишлайди ва аксинча, тақсимлаш кишиларнинг ўз меҳнатида моддий манфаатдор қилмаса, у маҳсулот ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатади.

Айирбошлаш – кишилар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг муҳим формаларидан бири. Аввало, у ишлаб чиқаришга чуқур кириб боради. Чунки меҳнат тақсимоли ходимларни ўз қобилиятларини ҳар хил йўналишга қаратишга мажбур қиладди. Шу асосда умумий хўжалик натижасига эришиш мақсадида қобилият ва фаолиятни айирбошлаш зарурияти келиб чиқади. Масалан, автомобил заводидаги маҳсулоти-конструкторлар, инженерлар, технологлар, ҳар хил ихтисосликдаги ишчилар ва бошқарув персоналлари ҳам бошқа кўпайиб кишиларнинг биргаликдаги меҳнатида.

Тақсимлашдан келган неъматларни баъзида шахсий истеъмол учун сарфлаб бўлмайди, чунки айни пайтда кишилар бошқа буюмларга муҳтож бўлади. Бундай пайтда меҳнат маҳсулотлари айирбошланади.

Истеъмол. аввало, ишлаб чиқариш билан бевосита алоқадор. Корхоналарда ходимнинг ҳаётий кучлари ва қобилиятлари сарфланади. Шунингдек, хомашё, ёнилғи, машиналар ва маҳсулот яратишнинг бошқа ашёвий шарт-шароитларидан фойдаланилади, яъни ишлаб чиқариш истеъмоли амалга ошади.

Шу билан бирга истеъмол алоҳида, яқиний босқич - кишиларнинг шахсий истеъмолини қондиришга кетадиган маҳсулот ҳаракати босқичини ташкил этади. Шу пайтда унумсиз истеъмол жараёнида фойдали буюмлар йўқолади, шу боисдан уларни янгида ишлаб чиқариш зарур. Шундай қилиб, ижтимоий ишлаб чиқариш узлуксиз доиравий ҳаракатда, тобора кўпайиб борган доиравий ҳаракатда бўлади.

ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ҶСИШ

Ижтимоий ишлаб чиқариш доимо ҳаракатда бўлади. Шу асосда ривожланиш жараёни юз беради. Иқтисодий ўсишнинг мазмунини ва ҳаракатга келтирувчи кучларни таҳлил такрор ишлаб чиқариш тушунчасидан бошланади.

Такрор ишлаб чиқариш ишлаб чиқариш жараёнининг доимо, узлуксиз такрорланиб туришидан иборатдир. Такрор ишлаб чиқариш иш кучини, ишлаб чиқариш воситаларини ва табиий ресурсларни ўз ичига олади.

Иш кучи, ишлаб чиқариш воситалари ва табиий ресурсларни доимо янгилаб туриш ишлаб чиқарувчи кучларни такрор ишлаб чиқариш дейилади. Шу билан бирга ишлаб чиқаришнинг социал-иқтисодий формаси сифатида кишилар ўртасида ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам такрор ишлаб чиқарилади.

Оддий ва кенгайган такрор ишлаб чиқариш мавжуд. Оддий такрор ишлаб чиқаришда яратилган маҳсулот ва унинг сифати ўзгармасдан қолади. Ишлаб чиқариш омиллари ҳам ўзгармайди. Яратилган барча қўшимча маҳсулот шахсий истеъмолга сарфланади.

Кенгайган такрор ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш ҳажми доимо ортиб боради, унинг сифати яхшиланади. Ишлаб чиқариш омиллари ҳам кенгайган масштабда такрорланади. Бунинг учун эса тобора кўпроқ ва сифатли ресурслар зарур. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва сифатини яхшилашнинг манбаи қўшимча маҳсулотдир. Демак, кенгайган такрор ишлаб чиқаришда қўшимча маҳсулотнинг бир қисми ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун сарфланади.

Ижтимоий маҳсулотни қиймат ва натурал форма жиҳатдан бир-биридан фарқ қилмоқ керак.

Ижтимоий маҳсулот структураси қиймат жиҳатидан уч қисмга бўлинади. Ижтимоий маҳсулотнинг ишлаб чиқариш воситаларининг ейилган ва сарфланган қисмини қоплашга кетган қисмига қоплаш фонди дейилади. У одатда ишлаб чиқариш воситаларидан иборатдир.

Ижтимоий маҳсулотнинг кишиларнинг шахсий истеъмолига кетадиган қисми истеъмол фондидан иборат бўлади.

Оддий такрор ишлаб чиқаришда соф маҳсулот (миллий даромад)нинг ҳаммаси истеъмол фондига кетади.

Кенгайган такрор ишлаб чиқаришда эса соф маҳсулотнинг ҳаммаси шахсий истеъмолга кетиши мумкин эмас. Унинг бир қисми жамғарилади, яъни ишлаб чиқариш омилларини кўпайтиришга сарфланади. У жамғариш фонди дейилади.

Ижтимоий маҳсулот натурал-ашёвий форма жиҳатидан ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларидан иборат бўлади. У натурал-ашёвий форма жиҳатидан маълум пропорцияларда бўлиши лозим. У умумиқтисодий аҳамиятга эга.

Маълумки, К.Маркс «Капитал»ида қоплаш фондини-с; зарурий маҳсулотни-в; кўшимча маҳсулотни-т деб белгилаган эди. Такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давом этиши учун оддий такрор ишлаб чиқаришда қуйидаги пропорцияларга амал қилиниши лозим:

1) жамиятда ишлаб чиқарилган ишлаб чиқариш воситалари (I бўлинма маҳсулоти) қоплаш фондига тенг бўлиши лозим.

2) ишлаб чиқарилган истеъмол буюмлари (II бўлинма маҳсулоти) соф маҳсулотга тенг бўлиши лозим.

3) I бўлинманинг соф маҳсулоти II бўлинманинг қоплаш фондига тенг бўлиши лозим.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда эса қуйидаги пропорциялар бўлиши лозим:

1) ишлаб чиқариш воситалари иккала бўлинмадаги қоплаш фондига нисбатан кўп ишлаб чиқарилиши лозим:

2) истеъмол буюмлари нисбатан иккала бўлинма соф маҳсулотидан кўп ишлаб чиқарилиши лозим:

3) биринчи бўлинма соф маҳсулоти II бўлинма қоплаш фондига нисбатан кўп бўлиши лозим:

Такрор ишлаб чиқаришнинг юқоридаги шартларига амал қилиш муҳимдир. Аммо иқтисодий ўсиш шартларини конкрет таҳлил қилиш учун такрор ишлаб чиқаришнинг умумий (абстракт) назарияси хулосалари билангина чекланиш ярамайди. Ҳозирги шароитда қуйидагилар ҳам муҳим:

- сарфланган ишлаб чиқариш воситаларини қоплаш ва кенгайтиришга кетадиган ишлаб чиқариш воситалари фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларига асосланган бўлиши;

- сарфланган ишлаб чиқариш воситаларини қоплаш ундан рационал фойдаланиш (ресурсларни тежаш) асосида таъминланиши ва ҳозирги даврда ишлаб чиқариш соҳасидаги иш кучини бўшатиш базасида бўлиши;

- социал соҳалар, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун зарур воситалар ажратилиши лозим.

Ишлаб чиқариш жараёни яратилган маҳсулот ҳисобига кўпайиб ва янгиланиб турадиган миллий бойлик ҳаракати билан бевосита боғлиқдир. Миллий бойлик ҳажми, структураси ва сифат даражаси мамлакат иқтисодий қудратини белгилайди.

Миллий бойлик — айна вақтда мамлакат ихтиёрида бўлган бойликлар йиғиндиси, унинг бутун тарихида жамғарилган бойликдир. У аввало мамлакат халқ хўжалиги ишлаб чиқариш фондларидан иборатдир. Жамиятнинг ишлаб чиқариш фондлари асосий ва оборот фондларига бўлинади.

Асосий фондлар меҳнат воситаларидан иборатдир. Улар ишлаб чиқаришга бирмунча узоқ муддат хизмат қилади.

Оборот фондлари (меҳнат предметлари) бир ишлаб чиқариш циклида тўла харажат қилинади. Демак, у узлуксиз тўлдирилиб туришни тақозо этади.

Миллий бойликка социал соҳанинг асосий фондлари-мактаблар, касалхоналар, маданий-маърифий ва спорт объектлари, уй-жойлар ва аҳолининг шахсий буюмлари киради.

Миллий бойликка табиий бойликлар-ер, ер ости бойликлари, сувлар, ўрмонлар муҳим роль ўнайди.

Миллий бойлик жамиятнинг маънавий салоҳияти, илмий тафаккури ва маданияти ютуқларини ҳам ўз ичига олади.

Кенгайган такрор ишлаб чиқариш жараёнида миллий бойлик ўсибгина бормайди, балки доимо янгиланиб ҳам боради, иқтисодий тараққиёт шарти ва натижаси ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш фондларидан иборат бўлган миллий бойликнинг асосий қисми ишчи кадрлар, инженер-техник ходимлар ва олимлар билан биргаликда мамлакат иқтисодий салоҳиятини ташкил қилади. Иқтисодий потенциалдан ҳар томонлама фойдаланиш, уни доимо кўпайтириб ва такомил-

лаштириб бориш-иқтисодий тараққиётнинг стратегик вази-
фаларидан биридир.

Иқтисодий ўсиш бевосита ижтимоий маҳсулотнинг
(янги, пировард, соф маҳсулот) у ёки бу динамикасини ва
унинг ишлаб чиқариш омилларининг миқдор жиҳатидан
кўпайиши ва сифат жиҳатидан такомиллашувини ҳам акс
эттиради.

Маҳсулотнинг ўсиш суръатлари ва унинг омиллари ўси-
ши ўртасидаги нисбат иқтисодий ўсиш (кенгайган такрор
ишлаб чиқариш) типига: экстенсив ёки интенсивлигига қа-
раб ҳар хил бўлади.

Иқтисодий ўсишнинг *экстенсив типид*а бир хил техник
асослар сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омилларини
сон жиҳатдан кўпайтириш орқали эришилади. Такрор ишлаб
чиқаришнинг экстенсив типид

ишлаб чиқариш самарадор-
лиги ўзгармасдан қолади.

Иқтисодий ўсишнинг *интенсив типид*а маҳсулот ишлаб
чиқариш масшгабининг кўпайиши ишлаб чиқариш омилла-
рини сифат жиҳатидан такомиллаштириш - янада прогрессив
меҳнат воситалари ва янада тежамли меҳнат предметлари,
иш кучи малакасини ошириш, ишлаб чиқариш омилларидан
яхшироқ фойдаланиш натижасида эришилади.

Жамият у ёки бу ижтимоий маҳсулотни қандай харажат-
лар ҳисобида яратишда бефарқ бўлмайди. Шунинг учун
ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири
— бу ижтимоий маҳсулот самарадорлиги кўрсаткичидир.
Унинг умумлаштирилган асосий кўрсаткичини ижтимоий
ишлаб чиқариш натижалари билан ишлаб чиқариш омиллари
харажатларига бўлган нисбати йўли билан аниқлаш мумкин:

$$\text{Ишлаб чиқариш самарадорлиги} = \frac{\text{Ишлаб чиқариш натижалари}}{\text{ишлаб чиқариш омиллари харажатлари}}$$

Албатта, харажатларга нисбатан ишлаб чиқариш нати-
жалари кўп бўлгандагина ишлаб чиқариш самарали бўлади.

Ишлаб чиқариш омиллари ўсиши натижасида иқтисодий тараққиёт юз беради. Уни ҳаракатга келтирувчи куч қарама-қаршилиқ бўлиб, у доимо ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда тўпланиб боради ва ҳал этилади.

Иқтисодий стимул ва манфаатлар ҳам ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишига таъсир қилади. Ҳозиргача ишлаб чиқариш самарадорлиги тўғрисида сўз юритилди. Иқтисодий самарадорлик эса бу бошқача кўрсаткич. Бу категория бутун ижтимоий ишлаб чиқариш натижаларини баҳолаш учун фойдаланилади. Бутун халқ хўжалиги нуқтаи назаридан самарали деб, маълум чекланган ресурслар билан жамиятнинг барча аъзолари эҳтиёжларини энг кўп даражада қондириладиган ҳолатга айтилади. Демак, хўжалиқ системасининг иқтисодий самарадорлиги — бу жамиятнинг бошқа бир аъзоси аҳволини ёмонлаштирмай, ҳатто бир кишининг ҳам эҳтиёжини қондириш даражасини ошириб бўлмайдиган ҳолатдир. Бундай ҳолатни Парето-самарадорлик (итальян иқтисодчиси В.Паретто номи билан) дейилади. Америка иқтисодчилари Э.Долан ва Д.Линдсейлар Парето-самарадорлик ҳолатини шундай тушунтирадilar: Агар, бошқаларга зарар қилмаган ҳолда, аҳволингизни яхшилаш имконияти бўлса, бу имкониятдан четлаб ўтиш мақсадга мувофиқ эмас.

КЎШИМЧА ХАРАЖАТЛАРНИНГ ЎСИБ БОРИШИ ИҚТИСОДИЙ ҚОНУНИ. АЛЬТЕРНАТИВ ҚИЙМАТ

Иқтисодиётда технологик танлаш мавзусида берилган графикада иқтисодиётдаги тўла бандлик шароитида ҳар хил товарлар гуруҳида альтернатив ишлаб чиқаришда бир товар гуруҳининг «баҳоси» иккинчи товар гуруҳи неъматларининг миқдорида ифодалангани кўринади.

Маълумки, баҳо-бу қийматнинг пул кўринишидир. Аммо технологик танлашда баҳо альтернатив қиймат (альтернатив харажатлар) тушунчаси билан боғлиқ. Технологик танлашдаги мисолда ёғнинг баҳоси жамият рад қилиши зарур бўлган замбараклар сонидан ифодаланган. Жамият ёғ ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан ҳарбий ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятидан маҳрум бўлади.

Бозор хўжалигида баҳо доимо альтернатив қийматни акс эттиради. Баҳо товарда (ишлаб чиқариш ёки истеъмолдан воз кечишга тўғри келади) акс этгани каби пулда ҳам, шунингдек, вақт миқдориди ҳам акс этиши мумкин (йўқотилган имкониятлардаги харажатлар). Масалан, киши бир коса бепул шўрва учун 3 соат навбатда турган бўлса, у бу неъматга бекордан-бекор эга бўлган эмас, чунки бу 3 соатлик вақтдан фойдаланишнинг альтернативи мавжуд. Бу 3 соатда у маъруза эшитиши, телевизор кўриши, ёки сабзавот магазинида юк ташувчи бўлиб ишлаши ҳам мумкин эди. Чунки бир кеча-кундуз 24 соат, вақт эса бу ноёб тушунчасига тааллуқли бўлган неъматдир, киши эса доимо бир кеча-кундуздаги вақтдан фойдаланишнинг турли-туман вариантларидан бирини танлаши лозим.

Кўшимча харажатларнинг ўсиб бориши қонунининг моҳияти шундан иборатки, бир хил номдаги товар группаси ҳажмининг кўпайиши, шубҳасиз, бошқа товар группасида ифодаланган товар бирлигидаги харажатлар ортиб боради, яъни йўқотилган имкониятлардаги харажатлар ортиб боради

ДАРОМАДЛАРНИНГ ПАСАЙИШ ҚОНУНИ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАСШТАБИДА ТЕЖАШ

Даромадларнинг пасайиш қонуни ишлаб чиқаришдаги харажатлар билан маҳсулотни ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро алоқани билдиради, яъни даромадларнинг пасайиш қонуни бошқа омиллар ҳажми ўзгармагани ҳолда ишлаб чиқаришнинг битта омили ўзгариши билан кўшимча маҳсулот ишлаб чиқариши ўртасидаги алоқани ифода этади. Буни биз куйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

Меҳнатнинг сони	Ишлаб чиқарилган меҳнат ҳажми	Меҳнатнинг сони кўпайиши натижасида олинган маҳсулот
2	400	400
4	600	200
6	640	40
8	660	20
10	670	10

(Ер миқдори доимий, меҳнат миқдори ўзгаради)

Даромадларнинг пасайиши қонуни мазмунини шундай тушунтириш мумкин: битта омилнинг (меҳнатнинг) қўшимча қўлланилган харажатлари ўзгармасдан қолган бошқа омил (ср) билан бирга қўлланилади ва у кўрсатадики, янги қўлланилган харажатлардан тобора кам миқдорда қўшимча маҳсулот ҳажми олинади. Демак, даромадларнинг пасайиш қонуни бошқа барча омиллар ўзгармасдан қолгани ҳолда ишлаб чиқаришнинг битта омили (ёки бир неча омили) ўзгаргандагина амал қилади.

Шу билан бирга ишлаб чиқаришнинг барча омиллари бир вақтда ўзгарганда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайганини, ҳатто ишлаб чиқариш омиллари кўпайишига нисбатан ҳам кўпроқ ўсгани ҳолатини кузатиш мумкин. Бу ҳолатини ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиши асосида даромаднинг ўсиши дейилади. Масалан, меҳнат ва капитал 20% кўпайди, маҳсулот эса 30% ортди. Бу ҳолат қўйидаги пайтлардагина мумкин бўлади: биринчидан, йирик масштабдаги ишлаб чиқариш доирасида меҳнат жараёнларини ихтисослаштириш; иккинчидан, бошқариш функцияларини ихтисослаштириш; учинчидан, фақат йирик корхоналардагина ноёб қимматбаҳо ишлаб чиқариш қувватларини: катта қувватли технологик ускуналарни, компьютерларни, робототехника комплексларини ва бошқаларни қўллаш мумкин.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ

Иқтисодиёт тарихини даврларга бўлишда бир хўжалик тараққиёти давридан иккинчисини ажратиш турадиган мезон (критерия)ни аниқлаш талаб этилади. Бундай критерия инсониятни табиат кучларини ўзлаштиришнинг нисбатан юқори босқичига кўтариш имконини берувчи техника инқилобидир. Ҳар бир инқилоб меҳнат воситалари турини ўзгартиради, ижтимоий меҳнат тақсимотида ўзгаришга олиб келади ва иқтисодиётда янги соҳани яратади. Бу эса катта социал-иқтисодий оқибатларга олиб келади, эҳтиёжларнинг тубдан янги турларига ва уларни қондиришнинг янги усулларига олиб келади.

Иқтисодиётнинг ҳозиргача бўлган тарихида учта энг катта ишлаб чиқариш инқилоби ва шунга мувофиқ иқтисодиётда уч давр бўлиб ўтган. Уни ҳисобга олишнинг ўзига хос нуқтаси — бу юксак даражада ривожланган индустриал (саноат) ишлаб чиқариши бу тарихий тараққиётда марказий ўринни эгаллайди. Ишлаб чиқаришнинг бу босқичлари куйидагилардан иборат:

- 1) тараққиётнинг ноиндустриал босқичи;
- 2) индустриал босқич;
- 3) постиндустриал босқич («post»-лотинча «кейин» деган маънони билдиради).

Ишлаб чиқаришнинг ноиндустриал босқичи учун куйидаги белгилар характерлидир:

- ишлаб чиқаришда дастлабки соҳа (қишлоқ хўжалиги) устун;

- меҳнатга лаёқатли аҳолининг асосий қисми деҳқончилик ва чорвачилик билан банд;

- хўжалик фаолиятида қўл меҳнати ҳукмрон (тараққиёт фақат оддий қуроолардан мураккабига ўтишда кўринади);

- ишлаб чиқаришда меҳнат тақсимоти кам ривожланган ва асрлар давомида уни ташкил этишнинг энг оддий формалари (натурал хўжалик) сақланиб қолади;

- аҳолининг кўпчилиги энг оддий эҳтиёж билан қаноатланади ва у ишлаб чиқариш каби турғун ҳолатда бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичи ҳозир ҳам Африканинг баъзи мамлакатларида (Гвиана, Мали, Гвинея, Сенегал ва бошқалар) мавжуд бўлиб, уларда аҳолининг учдан икки қисми қишлоқ хўжалиги билан банд. Қўл меҳнатининг энг оддий қуроолари ходимнинг атиги бир-икки кишини боқишга имкон беради.

Ер юзида аҳолининг кўпайиши ва улар эҳтиёж даражасининг ортиши қўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқаришга хос бўлган чекланган имкониятлар билан кескин зарурият туғдиради. Бу зиддият фақат XVIII асрнинг 60-йилларида Англияда бошланган ва XIX асрнинг 50-60 йилларида Ғарбий Европа ва АҚШда тугалланган саноат ўзгариши (тўнта-риши) билан ҳал этилди. Саноат революцияси натижасида қўл меҳнат машиналар билан кенг масштабда алмаштирилди.

Ишлаб чиқариш индустриал босқичининг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиётнинг иккинчи соҳаси-машинали саноат ишлаб чиқариши муҳим ҳисобланади;

- саноат машинали техника асосида ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳалари (қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт)ни ҳам тубдан ўзгартиради;

- меҳнаткашларнинг асосий қисми хўжаликнинг индустриал тармоқлари ходимлари ҳисобланади (масалан, XIX асрнинг 40-йилларидаёқ Буюк Британияда аҳолининг 3/4 қисми фабрика-завод ишчилари бўлган);

- жамиятда меҳнат тақсиротининг ривожланиши ниҳоятда тезлашади (саноатда бир неча юз тармоқ, тармоқчалар ва ишлаб чиқаришнинг йирик турлари мавжуд);

- аҳолининг урбонизацияланиши жуда тез бормоқда (лот.-«urbonis» - шаҳарли): шаҳарларда барча аҳолининг 2/3 қисмигача яшамоқда;

- ишлаб чиқариш имкониятларининг ва хўжалик кўп тармоқли структурасининг қудратли ўсиши моддий ва маданий эҳтиёжларининг етарли кенг даражада қондириш имконини бермоқда.

Иқтисодиётнинг индустриал босқичи иккинчи демографик портлаш билан боғлиқ. Жаҳон аҳолиси 1650-1974 йилларда 7 марта ўсди (1650 йилда планетамизда 650 млн. киши яшаган эди). Агар унинг дастлабки босқичида аҳолининг икки марта ўсиши учун 200 йил, иккинчи босқичида 100 йил керак бўлган бўлса, кейинги аҳолининг икки марта ўсиши учун иккинчи жаҳон урушининг салбий оқибатларига қарамадан атиги 50 йил керак бўлди.

Аммо иқтисодиётнинг индустриал тараққиёти ҳозирги босқичда эҳтиёжлар ва истеъмоллар динамикаси учун етарли бўлмай қолди. Чунки механизациялашган меҳнатда ходим аксарият ҳолларда битта машинани бошқарган ва юқори сифатли буюмларни узлуксиз ишлаб чиқариш имконига эга бўлмаган. Саноати тараққий этган мамлакатлар тобора табиий хомашё кабиларга эҳтиёжни тобора кўпроқ сеза бошладилар. Бу зиддият 40-50 йиллардаги фан-техника революцияси натижасида ҳал этилди ва у хўжалик тараққиётининг янги даврини очиб берди.

Ишлаб чиқаришнинг постиндустриал босқичи инфор-
мацион жамиятга олиб боради ва у қуйидаги белгилар билан
фарқ қилади:

- иқтисодиётнинг учинчи соҳаси - хизмат кўрсатиш соҳаси
янада ривожланади ва унда барча ходимларнинг 50-70%и
хизмат қилади;
- фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиб, унинг
эришган ютуқлари асосида табиатда бўлмаган маҳсулотлар
яратилмоқда;
- хўжаликнинг барча тармоқлари ва турмушда информатика
ва ҳозирги ҳисоблаш техникаси ютуқлари кенг жорий
қилина бошлади ва натижада жамият ҳаётида информация
ҳамда жисмоний ва ақлий меҳнатни автоматлаштиришнинг
аҳамиятини кескин ошишига олиб келди;
- корхоналарда илмий ходимлар ва юксак малакали кадрлар
роли тезлик билан ўсиб бормоқда;
- «юқори технологияга» ўта бошландики, натижада барча
турдаги ресурсларни тежаш ва буюмларнинг юқори
сифатини таъминлаш имкони туғилди;
- иқтисодиёт барча фуқароларни элементар эҳтиёжларини
етарли даражада қондириш ва аҳоли эҳтиёжларини янада
юқори даражасини кенгайтириш имконини беради.

АҚШ, Канада, Япония, Фарбий Европа мамлакатлари
ва баъзи мамлакатлар ишлаб чиқариш ва эҳтиёжлар тарақ-
қиётининг юқори босқичига ўтдилар. Жумладан, саноати
қолоқ мамлакатларда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 40%
қишлоқ хўжалигида, 27% саноатда, 33%и хизмат кўрсатиш
соҳасида банд бўлса (1984 йилда), Фарбий Европада бу
кўрсаткичлар 5%, 32%, 63%ни ташкил қилди. Собиқ СССРда
эса 1989 йилда 19%, 39%, 42%.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ СТРУКТУРАСИ

Маълумки, жаҳондаги ҳар хил мамлакатлар иқтисодиёти
потекис ривожлангандир. Баъзи мамлакатлар ишлаб чиқа-
ришнинг дастлабки босқичида турган бўлса, бошқалари асо-
сан иккинчи босқичда бўлиб, фарб давлатларидаги озгина

гуруҳ постиндустириал хўжалик босқичига ривожланиб ўтган. Шу билан бирга илғор мамлакатлардан орқада қолганлар эса секин ёки тез суръатда улар орқасидан бормоқда. Шу боисдан ҳозирги ишлаб чиқаришни биз юқори даражадаги хўжалик фаолияти деб аташимиз мумкин.

XX аср охиридаги ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг янги структураси учун бир қанча хусусиятлар характерлидир:

1. Постиндустириал ишлаб чиқариш структураси ҳақиқий ва истиқболдаги барчасини оммавий равишда қондиришни таъминлашга қодир.
2. Барча ривожланган мамлакатларда иқтисодиёт иккита ўзаро боғлиқ ва бир-бирининг ўрнини босадиган ишлаб чиқариш тури - моддий (ашёвий бойлик яратувчи) ва номоддий (маънавий, ахлоқий ва бошқа бойликлар яратувчи) ишлаб чиқариш тармоқларидан иборат.
3. Ҳозирги замон ишлаб чиқаришига жуда катта ўзига хос хусусиятларга эга бўлган хизматлар соҳаси ҳам кириди. Хизматлар — бу шундай мақсадли фаолият соҳасики, у кишиларнинг қандайдир бир эҳтиёжини қондиради ва меҳнат қилиш пайтида унинг натижаси намоён бўлади. Масалан, транспорт хизмати кишилар ва юкларни белгиланган жойга етказди, врач хизмати касални даволашда кўринади ва ҳ.к.

Хизматлар ишлаб чиқариш фаолияти турларига мувофиқ икки турга бўлинади:

А) моддий хизматлар (юк транспорти, ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи алоқа, савдо, уй-жой хизматининг ишлаб чиқариш турлари ва бошқалар);

Б) номоддий хизматлар (уларни маориф, соғлиқни сақлаш, илмий хизмат, санъат, ижтимоий хизмат кўрсатиш, кредитлаш, суғурта ва бошқалар).

Ниҳоят, ҳозирги замон ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш ва кишилар ҳаёт фаолиятининг умумий шарт-шароитларини таъминловчи хўжалик турлари мажмуаси — инфратузилмаси алоҳида ўрин эгаллайди. У икки катта гуруҳга бўлинади:

А) ишлаб чиқариш инфратузилмаси бевосита моддий ишлаб чиқаришга хизмат қилади (йўллар, каналлар, кўприклар, аэродромлар, складлар қурилиши ва эксплуатацияси, энергетика хўжалиги, темир йўл хўжалиги, сув билан таъминлаш, канализация ва бошқалар);

Б) ноишлаб чиқариш (социал) тузилма – бу бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ (кадрлар тайёрлаш, мактаб ва олий таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқалар).

Бу инфраструктуралар шуни кўрсатадики, ҳозирги замон ишлаб чиқариши ва унинг тармоқлари ва звенolari бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади. Улар бир бугун хўжалик фаолиятига бирлашади ва бир бугун системани ташкил этади.

ИҚТИСОДИЁТ СИСТЕМА СИФАТИДА

Ҳар қандай система бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган қандайдир элементларнинг ягона мажмуидан иборатдир. Хўш, иқтисодий системанинг оддий таркибий қисмлари ҳисобланган элемент нималардан иборат?

Маълумки, хўжалик фаолияти доимо моддий неъматлар - уларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол билан боғлиқ. Демак, ушбу фаолиятнинг элементи бу фойдали буюмларнинг турлари «буюм-буюм» ўртасидаги алоқадир. Масалан, савдо битта буюмни (товарни) бошқа буюмга (пулга) айирбошлаш тарзида кўринади.

Аммо иқтисодий ҳодисаларнинг бошқа томонларига эътибор берилса, унинг элементи субъект деб аташ ҳам мумкин. Бу ерда субъект иқтисодий фаолият кўрсатувчи инсондир. Хўжалик субъектига айрим шахслар, уларнинг бирлашмалари, корхоналар, давлат киради. Улар ўртасида «инсон-инсон» типига алоқалар ўрнатилади. Агар уни савдога татбиқ қилсак, у икки субъект ўртасидаги, яъни сотувчи ва харидор ўртасидаги муносабат бўлиб кўринади.

Хўш, бу муаммони қандай ҳал қилмоқ керак, яъни иқтисодиётнинг элементи буюмлар ўртасидаги муносабатми ёки хўжалик субъектлари ўртасидаги муносабат? Шуни унутмаслик керакки, моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёни ҳеч қачон инсон иштирокисиз амалга ошмайди. Шунингдек, хўжалик субъектлари ўртасидаги муносабат ҳам иқтисодий фаолиятнинг ашёвий томонидан ажралган бўлса, у ҳар қандай мазмундан маҳрум бўлади. Шу боисдан хўжалик

муносабатлари субъект-буюм-субъект алоқалари типида ўрнатиллади. Масалан, савдода бу муносабатлар у субъект (соғувчи) - товар - пул - субъект (харидор) тарзида ўрнатиллади.

Ҳозирги миллий ҳўжаликда иқтисодиётнинг юқоридаги элементлари доимо махсус циклли оқимда давом этади. Циклли оқим - асосий ҳўжалик субъектлари ўртасида ишлаб чиқариш омиллари, товарлар ва пулларнинг доиравий айланишидир. Бу оқимда, биринчидан, истеъмолчи уй ҳўжалиги; иккинчидан, асосан истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналар; учинчидан, бевосита корхона ва ташкилотлар бўйсинган давлат иштирок этади.

Биринчи циклли оқимда уй-ҳўжалиги билан товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги иқтисодий алоқалар ўрнатиллади. Оила корхоналарга айрим ишлаб чиқариш омилларини (ўзларининг буюмлари ва ходимлар меҳнатини) тақдим этадилар. Ўз навбатида, корхоналар оила буюмлари ва меҳнати учун ҳар хил пул тўловларни амалга оширадилар. Қарама-қарши йўналишда ҳам ҳаракат юзага келади: оила аъзолари ўзларининг пул даромадларини савдо ва бошқа фирмаларга зарур товарлар ва хизматлар учун қайта берадилар.

Иккинчи циклли оқим давлат билан уй хўжалиги ўртасида бўлади. Уй ҳўжалигидан давлатга доиравий ҳаракат шунда кўринадики, оила аъзолари давлатга солиқлар тўлайдилар ва ўз навбатида барча фуқаролар ҳар хил давлат хизматларидан фойдаланиладилар (масалан, давлат ўқув юртлари хизматлари). Циклли ҳаракатнинг тесқари йўналиши шу билан боғлиқки, давлат солиқлардан ўз ҳўжалик секторига зарур бўлган ишлаб чиқариш омиллари олиш, ўзининг ходимларига иш ҳақи ва бошқа тўловларни бериш учун фойдаланади.

Учинчи циклли оқим давлат билан корхоналар бўлади. Бир йўналишда пул (солиқ тарзида) корхонадан давлатга томон ҳаракат қилади. Корхоналар солиқ учун маълум давлат хизматларидан фойдаланадилар. Қарама-қарши йўналишда корхоналардан давлатга товарлар келади ва унинг учун корхоналар давлатдан пул оладилар.

Шундай қилиб, фойдали неъматлар, хизматлар ва пулларнинг циклли оқими миллий ҳўжаликнинг барча субъектлари ўртасида иқтисодий алоқаларни доимо такрорлаш ва мустаҳкамлаш имконини бериш воситаси бўлиб хизмат қилади.

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ИҚТИСОДИЙ ТЕРМИНЛАР

Айирбошлаш

Альтернатив қиймат (бой берилган имкониятлар харажатлари)

Баҳо альтернатив қиймат сифатида

Бойлик

Даромадларнинг камайиши қонуни

Даромадларнинг кўпайиб бориш қонуни (ишлаб чиқариш
масштабида тежаш)

Ер

Жамғариш фонди

Зарурий маҳсулот

Интенсив ўсиш

Инфратузилма

Истеъмол

Истеъмол буюмлари

Истеъмол фонди

Ишлаб чиқариш

Ишлаб чиқариш воситалари

Ишлаб чиқариш имконияти

Ишлаб чиқариш истеъмоли

Ишлаб чиқариш тузилмаси

Ишлаб чиқаришдаги самарадорлик

Ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари

Ишлаб чиқаришнинг индустриал босқичи

Ишлаб чиқаришнинг ноиндустриал босқичи

Ишлаб чиқаришнинг постиндустриал босқичи

Иқтисодиёт

Иқтисодиётнинг бош функцияси

Иқтисодий ўсиш

Иқтисодий система

Иқтисодий эҳтиёжлар

Капитал

Кенгайган такрор ишлаб чиқариш

Меҳнат

Меҳнат воситалари

Меҳнат предмети

Миллий даромад

Моддий ишлаб чиқариш


Моддий неъматлар ва хизматлар
Неъматлар
Нодир (чекланган)
Номоддий ишлаб чиқариш
Номоддий неъматлар ва хизматлар
Оддий такрор ишлаб чиқариш
Парето - самарадорлик
Соф даромад
Соф миллий маҳсулот
Социал тузилма
Тадбиркорлик фаолияти
Такрор ишлаб чиқариш
Тақсимлаш
Технологик танлаш (ресурслардан альтернатив фойдаланиш)
Технология
Тузилма
Фойда
Хўжалик субъектлари
Цикли оқим
Эгри трансформация
Экстенсив ўсиш
Эҳтиёжлар
Эҳтиёжларнинг ўсиб бориши қонуни
Эҳтиёжларнинг турлари
Ялпи маҳсулот
Қўшимча маҳсулот
Қўшимча харажатларнинг ортиб бориш қонуни

МАВЗУДА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН КЎРГАЗМАЛИ ВОСИТАЛАР

I. ҲАР ҚАНДАЙ ИҚТИСОДИЙ СИСТЕМАНИНГ УМУМИЙ МОМЕНТЛАРИ

<u>Ишлаб чиқарувчи кучлар</u>		
<u>Табиий:</u>	<u>Ижтимоий:</u>	<u>Умумий:</u>
Табиий ресурслар, инсоннинг имконияти ва ҳ.к.	Ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат тақсимоги ва ҳ.к.	Фан, маориф, маданият ва ҳ.к.
<u>Ишлаб чиқариш муносабатлари</u>		
Социал-иқтисодий (мулкчилик муносабатлари)	Ташкилий- иқтисодий (тажриба алмашиш, маркетинг, менежмент ва ҳ.к.)	Техник-иқтисодий
<u>Ресурслар:</u>	<u>Ижтимоий меҳнат тақсимоги:</u>	<u>Меҳнат жараёни ва унинг моментлари:</u>
Меҳнат, табиий, ишлаб чиқариш воситалари, илмий- техникавий, маълумот ва ҳ.к.	Маҳсулот тайёрлаш учун ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш	Меҳнат, меҳнат воситалари, меҳнат предметлари
<u>Ишлаб чиқариш имконияти</u>	<u>Натижалар</u>	<u>Самардорлик</u>
Чекланган ресурслардан танлаб олиш	Моддий-ашёвий маҳсулот, хизматлар	Натижалар ва ҳаракатлар нисбати

II. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИНИНГ ҚЎШИЛИШИ




III. МЕҲНАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲАРАКАТИ



IV. ҲОЗИРГИ ЗАМОН КИШИСИ ЭҲТИЁЖЛАРИ ПИРАМИДАСИ



V. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ



VI. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИМКОНИЯТИ

Имконият	Уй-жой қуриш (минг дона)	Касалхоналар, мактаблар қуриш ва бошқалар (минг дона)
А	15	0
В	14	1
С	12	2
Д	9	3
Е	5	4
Ғ	0	5

VII. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СТРУКТУРАСИ



VIII. ИШ БИЛАН БАНДЛИК СОҲАСИДА ХОДИМЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ (%)

Мамлакатлар гуруҳи	Қишлоқ хўжалиги	Саноат	Хизматлар кўрсатиш
Саноати қолоқ мамлакатлар (1984 йил ўртача)	40	27	33
Ғарб давлатлари ўртача 1984 йил, ўртача	5	32	63
Собиқ СССР (1989 йил)	19	39	42

IX. ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТИПЛАРИ

Интенсив	Аралаш	Экстенсив
Техника ва технологияни такомиллаштириш натижасида ишлаб чиқариш потенциалини кўпайтириш	Фойдаланиладиган ишлаб чиқариш омилларининг сонини кўпайтириш ва техника ҳамда технологияни такомиллаштириш натижасида ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш	Фойдаланиладиган ишлаб чиқариш омилларининг сонини кўпайтириш натижасида ишлаб чиқариш қувватларини ошириш

ЎЗИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

1-вариант

1. Ялпи ижтимоий маҳсулот.
2. Соф миллий маҳсулот.
3. Ишлаб чиқариш истеъмоли.
4. Фойда.
5. Миллий даромад.
6. Зарурий маҳсулот.
7. Кўшимча маҳсулот.
8. Жамғариш фонди.
9. Истеъмол фонди.
10. Иқтисодиёт.
11. Ишлаб чиқариш.
12. Айирбошлаш.
13. Тақсимлаш.
14. Истеъмол.
15. Ижтимоий бойлик.
16. Парето-самарадорлик.
17. Эҳтиёжлар.
18. Неъматлар.
19. Бойлик.
20. Технология.

Жавоблар

- А) кишилар, инсон қадрлайдиган ҳамма нарсалар;
- Б) маълум давр ичида моддий ишлаб чиқаришда яратилган маҳсулотлар йиғиндиси;
- В) кишиларнинг қониқмаслик ҳолати, зарурати бўлиб, кишилар уни ҳал этишга интиладилар;
- Г) кишиларнинг фаолият соҳаси бўлиб, унда турли-туман эҳтиёжларни қондириш учун бойлик яратилади;
- Д) киши эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган воситалар;
- Е) ялпи миллий маҳсулотнинг амортизация харажатлари чегирилгандан қолган қисми;

- Ж) миллий даромаднинг бир қисми бўлиб, у истеъмол учун сарфланади;
- З) фирманинг сарфланган капитали ўсиш тарзидаги даромади;
- И) соф маҳсулотнинг иш кучини нормал қайта тиклаш, меҳнат лаёқатини йўқотганларнинг ўрнини босадиган ходимлар янги авлодларини тайёрлаш учун талаб қилинадиган қисми;
- К) иқтисодий категория бўлиб, бунда умумий хўжалик натижасига эга бўлиш мақсадида қобилият ва фаолиятлар ўзаро айирбошланади;
- Л) миллий даромаднинг бир қисми бўлиб, у ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва резерв фондлар ташкил қилиш мақсадида ишлатилади;
- М) ижтимоий маҳсулот ҳаракати дастлабки босқичи бўлиб, унда моддий неъматлар ва хизматлар яратилади;
- Н) хўжалик системаси иқтисодий самарадорлигининг шундай ҳолатики, бунда жамиятнинг бошқа аъзоси аҳволини ёмонлаштирмасдан, бошқа бир кишининг ҳам эҳтиёжини қондириш даражасини кўпайтириб бўлмайди;
- О) ижтимоий маҳсулот ҳаракатининг охириги босқичи бўлиб, унда маҳсулот шахсий истеъмолни қондириш мақсадида, шунингдек ишлаб чиқариш истеъмолига сарфланади;
- П) ялпи ижтимоий маҳсулотнинг йил давомида янгидан яратилган қийматини ўзида акс эттирган қисми;
- Р) соф маҳсулотни ишлаб чиқаришни узлуксиз ўстириш, кейинчалик зарурий маҳсулотни янада кўпайтириш, инсонни ҳар томонлама камол топтириш учун моддий шарт-шароитлар яратишга сарфланадиган қисми;
- С) унда ишлаб чиқариш натижалари, шунингдек, ишлаб чиқариш омиллари, ресурслар тақсимланади;
- Т) ўтмишдаги ва ҳозирги авлодларнинг ўтмиш меҳнати билан жамғарилган моддий неъматлар йиғиндиси;
- У) ишлаб чиқариш жараёнларини ўтказиш усуллари ва воситалари тўғрисидаги билимлар мажмуаси;
- Ф) маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ашёвий шарт-шароитлари, яъни хом ашё, ёқилғи, машиналар ва бошқалардан ишлаб чиқариш учун фойдаланиш.

2-вариант

1. Такрор ишлаб чиқариш.
2. Оддий такрор ишлаб чиқариш.
3. Кенгайган такрор ишлаб чиқариш.
4. Иқтисодий ўсиш.
5. Экстенсив ўсиш.
6. Интенсив ўсиш.
7. Технологик танлаш.
8. Цикли оқим.
9. Қўшимча харажатларнинг ўсиб бориши қонуни.
10. Даромадларнинг камайиши қонуни.
11. Даромадларнинг ортиб бориши қонуни.
12. Эҳтиёжларнинг ўсиб бориши қонуни.
13. Ишлаб чиқариш имконияти.
14. Иқтисодий эҳтиёжлар.
15. Иқтисодиётнинг бош функцияси.
16. Тузилма.
17. Ишлаб чиқариш тузилмаси.
18. Социал тузилма.
19. Моддий ишлаб чиқариш.
20. Номоддий ишлаб чиқариш.

Жавоблар

- А) маълум вақт бирлиги ичида ижтимоий маҳсулотнинг сон ва сифат жиҳатидан такомиллашуви;
- Б) ишлаб чиқариш ва маданият ривожланиши билан кишилар зарурати, эҳтиёжи ўсиб ва такомиллашиб боришининг объектив зарурлигини ифода этади;
- В) ишлаб чиқариш омилларининг сон жиҳатдан кўпайиши ҳисобида ижтимоий маҳсулотнинг ўсиши;
- Г) бир хил номдаги товарлар гуруҳи ҳажмини кўпайтириш, шубҳасиз, бошқа товарлар гуруҳида ифодаланган товарлар бирлиги харажатларининг тобора орта боришини билдиради;
- Д) ишлаб чиқариш жараёнининг ўзгармаган ҳажмда такрорланиши;

- Е) кишилар зарурияги, эҳтиёжининг бир қисми бўлиб, уни қондириш учун неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш зарур;
- Ж) ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксиз такрорланиб туриши;
- З) ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари ўзгармасдан қолгани ҳолда битта омилнинг янги қўшимча харажатлари билан тобора камроқ қўшимча маҳсулот ҳажми олинади;
- И) ишлаб чиқариш жараёнининг тобора кўпайиб борган ҳажмда такрорланиши;
- К) ресурслардан тўлиқ фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг кўп ҳажмига эришишни билдиради;
- Л) моддий ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи хўжалик турлари;
- М) ашёвий бойликлар яратувчи ишлаб чиқариш соҳалари;
- Н) ишлаб чиқариш ва кишилар ҳаёт фаолиятининг умумий шарт-шароитларини таъминловчи хўжалик турлари мажмуаси;
- О) ишлаб чиқаришнинг барча омилларидан фойдаланиш даражасини ошириш ҳисобида ишлаб чиқариш самарадорлигини кўпайтириш;
- П) ноишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган соҳалар;
- Р) ишлаб чиқаришнинг барча омилларини бир вақтда кўпайтириш маҳсулот ишлаб чиқаришни, даромадни бу омилларга нисбатан ҳам кўпайишига олиб келишини билдиради;
- С) кишиларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондириш учун бойликлар ишлаб чиқариш;
- Т) маънавий бойликлар яратувчи соҳалар ва тармоқлар;
- У) ресурсларнинг чекланганлиги уларнинг альтернативидан фойдаланишни билдиради (ресурслардан альтернатив фойдаланиш);
- Ф) ишлаб чиқариш омиллари, товарлар ва пулларнинг асосий хўжалик субъектлари ўртасида доиравий айланиши.

НАЗОРАТ УЧУН ТЕСТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1. Меҳнат нима ?

- а) Кишиларнинг жисмоний ва маънавий қобилиятлари йиғиндиси;
- б) кишиларнинг маълум мақсадга қаратилган онгли фаолияти;
- в) кишиларнинг истеъмол қийматлар яратиш хусусияти;
- г) кишиларнинг қандайдир бир эҳтиёжини қондира билиш хусусияти;
- д) ишлаб чиқаришнинг бошланғич нуқтаси.

2. Иш кучи нима?

- а) Киши меҳнати йўналтирилган нарсалар;
- б) кишиларнинг маълум мақсадга қаратилган онгли фаолияти;
- в) кишиларнинг истеъмол қийматлар яратиш хусусияти;
- г) кишиларнинг жисмоний ва маънавий қобилиятлари йиғиндиси;
- д) кишиларнинг қандайдир бир эҳтиёжини қондира билиш хусусияти.

3. Ишлаб чиқариш воситаси нима?

- а) Киши меҳнати йўналтирилган нарсалар;
- б) яратилган моддий неъматлар йиғиндиси;
- в) меҳнат предмети билан меҳнат воситалари;
- г) меҳнат предметиға таъсир қиладиган воситалар;
- д) ер, ишчи кучи.

4. Ишлаб чиқаришнинг қандай омиллари бор?

- а) Меҳнат предмети билан меҳнат воситалари;
- б) конкрет ва абстракт меҳнат;
- в) жисмоний ва маънавий қобилиятлар йиғиндиси;
- г) ашёвий ва шахсий;
- д) истеъмол қиймати ва қиймат.

5. Жами ижтимоий маҳсулот нима?

- а) Кишиларнинг бевосита меҳнати билан янгидан яратилган қиймат;

THE UNIVERSITY OF CHICAGO
DEPARTMENT OF CHEMISTRY
58 CHEMISTRY BUILDING
CHICAGO, ILLINOIS 60637
TEL: 773-936-3700

RECEIVED
JAN 15 1964
FROM: [illegible]
TO: [illegible]
SUBJECT: [illegible]

Dear [illegible]:
I have received your letter of [illegible] and am sorry to hear that [illegible].
I will be glad to discuss this with you if you wish.

Very truly yours,
[illegible signature]

Enclosed are [illegible]
Sincerely,
[illegible signature]

- г) соф маҳсулотларни ишлаб чиқаришни узлуксиз ўстириш ва такомиллаштириб бориш, келажакда зарурий маҳсулотни кўпайтириш учун моддий шарт-шароит яратишга кетадиган қисми;
- д) соф маҳсулотнинг иш кучини нормал қайта тиклаш, ходимлар янги авлодларини тайёрлаш учун талаб қилинадиган қисми.

9. Ижтимоий ишлаб чиқариш ўз ҳаракатида қандай босқичларини босиб ўтади?

- а) Оддий ва кенгайган такрор ишлаб чиқариш;
- б) ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари;
- в) ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, истеъмол;
- г) пул капитали, унумли капитал, товар капитали;
- д) доимий капитал (с), ўзгарувчи капитал (v), қўшимча қиймат (m).

10. Такрор ишлаб чиқариш нима?

- а) Ишлаб чиқаришнинг ашёвий ва шахсий омилларининг қўшилиши;
- б) ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксиз такрорланиб туриши;
- в) доимий капитал (с), ўзгарувчи капитал (v), қўшимча қиймат (m) нинг йиғиндиси;
- г) пул капитали, унумли капитал ва товар капиталининг обороти;
- д) истеъмол молларини ишлаб чиқиш.

11. Оддий такрор ишлаб чиқариш нима?

- а) Ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксиз такрорланиши;
- б) миллий даромаднинг жамғариш ва истеъмол фондида бўлиниши;
- в) ишлаб чиқариш жараёнининг тобора кўпайган ҳолда такрорланиши;
- г) ишлаб чиқариш жараёнининг ўзгармаган ҳажмда такрорланиши;
- д) унумли капиталнинг товар капиталига айланиши.

12. Кенгайган такрор ишлаб чиқариш нима?

- а) Доимий капитал (с), ўзгарувчи капитал (v), қўшимча қиймат (m) нинг йиғиндиси;
- б) ишлаб чиқариш жараёнининг тобора кўпайган ҳолда такрорланиши;
- в) ишлаб чиқариш воситалари билан истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш;
- г) ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксиз такрорланиб туриши;
- д) ишлаб чиқариш воситалари, иш кучи ва ишлаб чиқариш муносабатларини такрор ишлаб чиқариш.

13. Миллий даромад қандай фондларга бўлинади?

- а) жами ижтимоий маҳсулотнинг ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва резерв фондлар ташкил қилиш учун сарфланадиган қисми;
- б) ходимлар меҳнати билан яратилган истеъмол қийматлар фонди ва ижтимоий истеъмол фонди йиғиндиси;
- в) моддий ишлаб чиқариш тармоқларидаги ходимларнинг бевосита меҳнати билан янгидан яратилган қиймат;
- г) маълум давр ичида моддий ишлаб чиқариш тармоқларида яратилган моддий неъматлар йиғиндиси;
- д) жамғариш ва истеъмол.

14. Иқтисодиётнинг бош функциясини кўрсатинг.

- а) Истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш;
- б) ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш;
- в) кишиларнинг ҳар хил эҳтиёжларини қондирадиган бойлик ишлаб чиқариш;
- г) ҳаммаси тўғри;
- д) ҳаммаси нотўғри.

15. Парето-самарадорлик нима?

- а) жамиятнинг бошқа бир аъзоси аҳволини ёмонлаштирмасдан, ҳатто бир кишининг ҳам эҳтиёжини қондириш даражасини ошириб бўлмайди;
- б) ишлаб чиқаришнинг битта омили ўзгарганда ва бошқа барча омиллар ўзгармасдан қолганда янги қўлланилган ҳа-

- ражатлардан тобора кам миқдорда қўшимча маҳсулот ҳажми олинади;
- в) ишлаб чиқаришнинг барча омиллари бир вақтда ўзгарганда маҳсулот ишлаб чиқариш тобора кўпая боради;
 - г) жамиятнинг бошқа бир аъзоси аҳволини ёмонлаштирмасдан, бошқа кишининг ҳам эҳтиёжини қондириш даражасини ошириш мумкин;
 - д) юқоридагиларнинг ҳаммаси нотўғри.

16. Тузилма нима?

- а) Қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи соҳалар мажмуаси;
- б) саноатга хизмат қилувчи ёрдамчи соҳалар мажмуаси;
- в) ишлаб чиқариш ва кишилар ҳаёт фаолиятининг умумий шарт-шароитларини таъминловчи хўжалик турлари мажмуаси;
- г) номоддий ишлаб чиқаришдаги тармоқлар;
- д) моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги корхоналар.

17. Ишлаб чиқаришнинг қандай тараққиёт босқичлари бор?

- а) Ноиндустириал жамият;
- б) индустриал жамият;
- в) постиндустриал жамият;
- г) ҳаммаси тўғри;
- д) ҳаммаси нотўғри.

18. Қандай хўжалик субъектлари бор?

- а) уй-жой хўжалиги;
- б) корхоналар;
- в) давлат;
- г) ҳаммаси тўғри;
- д) ҳаммаси нотўғри.

19. Ҳозирги замон ишлаб чиқариши структурасига нималар киради?

- а) Моддий ишлаб чиқариш соҳалари;
- б) номоддий ишлаб чиқариш соҳалари;
- в) хизмат кўрсатиш соҳалари;
- г) ҳаммаси тўғри;
- д) ҳаммаси нотўғри.

20. Ишлаб чиқариш имконияти нима?

- а) Ресурслардан тулиқ фойдаланган ҳолда энг кўп даражада маҳсулот ишлаб чиқариш;
- б) ресурслардан фойдаланган ҳолда барча товарларни кўплаб ишлаб чиқариш;
- в) қишлоқ хўжалигини тез суръатлар билан ривожлантириш;
- г) халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш;
- д) ҳаммаси тўғри.

ИҚТИСОДИЙ ТЕРМИНЛАР ЛУҒАТИ

Айирбошлаш-иқтисодий категория бўлиб, бунда умумий хўжалик натижасига эга бўлиш мақсадида қобилият ва фаолиятлар ўзаро айирбошланади. Демак, у ишлаб чиқариш билан тақсимот, ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги алоқани ифодалайди.

Альтернатив қиймат - бой берилган имконият харажатлари.

Баҳо - товар қийматининг пулда ифодаланиши.

Бойлик - кишилар, инсон қадрлайдиган ҳамма нарсалар.

Даромадларнинг камайиши қонуни - ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари ўзгармасдан қолгани ҳолда битта омилнинг янги қўшимча харажатлар билан тобора камроқ қўшимча маҳсулот ҳажми олинади.

Даромадларнинг ортиб бориши қонуни (ишлаб чиқариш масштабида тежаш)-ишлаб чиқаришнинг барча омилларини бир вақтда кўпайтириш нисбатан ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришни, даромаднинг кўпайишига олиб келишини билдиради.

Жамғариш фонди-миллий даромаднинг бир қисми бўлиб, у ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва резерв фондлар ташкил қилиш мақсадида ишлатилади.

Жами ижтимоий маҳсулот-маълум давр ичида моддий ишлаб чиқаришда яратилган маҳсулотлар йиғиндиси.

Зарурий маҳсулот - соф маҳсулотнинг иш кучини нормал қайта тиклаш, меҳнат лаёқатини йўқотганларни ўрнини босадиган ходимлар янги авлодларини тайёрлаш учун талаб қилинадиган қисми.

Ижтимоий бойлик-ўтмишдаги ва ҳозирги авлодларнинг ўтмиш меҳнати билан жамғарилган моддий неъматлар йиғиндиси.

Иқтисодиёт-кишиларнинг шундай фаолият соҳасики, унда турли-туман эҳтиёжларни қондириш учун бойлик яратилади.

Иқтисодиётнинг бош функцияси - кишиларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондириш учун бойликлар ишлаб чиқариш.

- Иқтисодий ўсиш**-маълум вақт бирлиги ичида ижтимоий маҳсулотнинг сон ва сифат жиҳатидан такомиллашуви.
- Иқтисодий система**-бир-бирлари билан ўзаро мустақкам боғлиқ бўлган хўжалик муносабатларининг мажмуаси.
- Иқтисодий эҳтиёжлар**-кишилар зарурияти, эҳтиёжининг бир қисми бўлиб, уни қондириш учун неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш истеъмол қилиш зарур.
- Интенсив ўсиш**-ишлаб чиқаришнинг барча омилларидан фойдаланиш даражасини ошириш ҳисобида ишлаб чиқариш самарадорлигини кўпайтириш.
- Тузилма** -ишлаб чиқариш ва кишилар ҳаёт фаолиятининг умумий шарт-шароитларини таъминловчи хўжалик турлари мажмуаси.
- Истеъмол** - ижтимоий маҳсулот ҳаракатининг охириги босқичи бўлиб, унда маҳсулот кишиларнинг шахсий истеъмолини қондириш мақсадида, шунингдек, ишлаб чиқариш истеъмолига ишлатилади.
- Истеъмол буюмлари**-кишиларнинг яшаш учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва бошқа фойдали буюмлар.
- Истеъмол фонди**-миллий даромаднинг бир қисми бўлиб, у истеъмол учун сарфланади.
- Ишлаб чиқариш**-ижтимоий маҳсулот ҳаракати дастлабки босқичи бўлиб, унда моддий неъматлар ва хизматлар яратилади.
- Ишлаб чиқариш воситалари**-меҳнат қуроллари ва меҳнат предметидан ташкил топади. Ишлаб чиқариш жараёнида кишилар меҳнат қуроллари ёрдамида меҳнат предметларига таъсир қилади.
- Ишлаб чиқариш воситалари**-меҳнат предмети билан меҳнат воситалари мажмуаси.
- Ишлаб чиқариш имконияти** - ресурслардан тўлиқ фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг кўп ҳажмига эришишни билдиради.
- Ишлаб чиқариш истеъмоли**-маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ашёвий шарт-шароитлари - яъни хом ашё, ёқил-

- фи, машиналар ва бошқалардан ишлаб чиқариш учун фойдаланиш.
- Ишлаб чиқариш** - кишиларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган инсонларнинг маълум мақсаддаги онгли фаолиятидир;
- Ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари** - меҳнат, капитал, ер, тадбиркорлик фаолияти (ишлаб чиқаришнинг ашёвий ва шахсий омиллари яъни ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучи).
- Ишлаб чиқаришнинг индустриал босқичи** - юксак даражада ривожланган индустриал (саноат) ишлаб чиқариши даври (ривожланган мамлакатларда XX асрнинг 40-50 йилларигача бўлган даври).
- Ишлаб чиқаришнинг ноиндустриал босқичи** - юксак даражада ривожланган индустриал (саноат) ишлаб чиқаришигача бўлган давр (Англияда XVIII асрнинг 60 ва Фарбий Европа ва АҚШда XIX асрнинг 50-60 йилларигача бўлган давр).
- Ишлаб чиқаришнинг постиндустриал босқичи** - ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида XX асрнинг 40-50 йилларидан бошланади.
- Ишлаб чиқариш инфраструктураси** - моддий ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи хўжалик турлари (йўллар, каналлар, кўприклар, аэродромлар, складлар, энергетика хўжалиги, темир йўл хўжалиги, канализация ва бошқалар).
- Капитал** - товарлар ишлаб чиқиш ва хизматлар кўрсатиш мақсадида кишилар томонидан яратилган ресурслар.
- Кенгайган такрор ишлаб чиқариш** - ишлаб чиқариш жараёнининг тобора кўпайиб борган ҳажмда такрорланиши.
- Кўшимча харажатларнинг ортиб бориши қонуни** - бир хил номдаги торлар гуруҳи ҳажмини кўпайтириш шубҳасиз бошқа товарлар гуруҳида ифодаланган товарлар бирлиги харажатлари тобора орта боришини билдиради.
- Кўшимча маҳсулот** - соф маҳсулотнинг ишлаб чиқаришни узлуксиз ўстириш ва такомиллаштириб бориш,

кейинчалик зарурий маҳсулотни янада кўпайтириш, инсонни хар тарафлама камол толтириш учун моддий шарт-шароитлар яратишга сарфланадиган қисми.

Меҳнат - кишиларнинг маълум мақсадга қаратилган онгли фаолияти.

Меҳнат воситалари-кишиларнинг меҳнат предметига таъсир қиладиган воситалар, қурооллар.

Меҳнат предмети-киши меҳнати йўналтирилган барча нарсалар.

Миллий даромад-ялпи ижтимоий маҳсулотнинг йил давомида янгидан яратилган қийматни ўзида акс эттирган қисми.

Моддий ишлаб чиқариш-ашёвий бойликлар яратувчи ишлаб чиқариш соҳалари.

Моддий неъматлар ва хизматлар-моддий ишлаб чиқариш тармоқларида яратилган ашёвий бойликлар ва моддий хизматлар (транспорт хизмати, алоқа хизмати, савдо ва бошқалар).

Неъматлар -кишилар эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган воситалар.

Нодир - чекланган, ноёб.

Номоддий ишлаб чиқариш-маънавий бойликлар яратувчи соҳалар ва тармоқлар (маданият, саноат, фан ва бошқалар)

Номоддий неъматлар ва хизматлар-маънавий бойликлар ва номоддий хизматлар (маориф, соғлиқни сақлаш, илмий хизмат кўрсатиш, санъат, суғурта ва бошқалар)

Оддий такрор ишлаб чиқариш-ишлаб чиқариш жараёнининг ўзгармаган ҳажмда такрорланиши.

Парето -самарадорлик-хўжалик системаси иқтисодий самарадорлигининг шундай ҳолатики, бунда жамиятнинг бошқа аъзоси аҳволини ёмонлаштирмай туриб, бошқа бир кишининг ҳам эҳтиёжини қондириш даражасини ошириб бўлмайди. Бу ҳолатни италия иқтисодчиси Парето номи билан Парето-самарадорлик деб аталади.

- Соф миллий маҳсулот**-ялпи миллий маҳсулотнинг амортизация харажатлари чегирилгандан қолган қисми.
- Социал тузилма**-ноишлаб ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган соҳалар (кадрлар тайёрлаш, мактаб, олий таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқалар).
- Тадбиркорлик фаолияти**-мулкчилик субъектларининг товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун ҳамда фойда ёки даромад олишга қаратилган ташаббускорлик, таваккалчилик билан фаолият кўрсатиши.
- Такрор ишлаб чиқариш**-ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксиз такрорланиши.
- Тақсимлаш** -иқтисодий категория бўлиб, унда ижтимоий ишлаб чиқариш натижаларини (товарлар ва хизматлар), шунингдек, ишлаб чиқариш омиллари, ресурслари тақсимланади.
- Технологик танлаш**-ресурсларнинг чекланганлиги уларнинг альтернативдаги фойдаланишни билдиради (ресурслардан альтернатив фойдаланиш).
- Технология** -ишлаб чиқариш жараёнларини ўтказиш усуллари ва воситалари тўғрисидаги билимлар мажмуаси.
- Фойда** - бу фирманинг қўлланган капитали ўсиши тарзидаги даромади.
- Хўжалик субъектлари**-бу хўжалик фаолияти билан айрим шахслар, бирлашмалар, корхоналар ва давлат.
- Цикли оқим**-ишлаб чиқариш омиллари, товарлар ва пулларнинг асосий хўжалик субъектлари ўртасида доиравий айланиши (уй хўжалиги билан корхоналар, давлат билан уй хўжалиги, давлат билан корхоналар ўртасидаги доиравий айланиш).
- Экстенсив ўсиш**-ишлаб чиқариш омиллариининг сон жиҳатдан кўпайиши ҳисобида ижтимоий маҳсулотнинг ўсиши.
- Эҳтиёжлар** - кишиларнинг қониқмаслик ҳолати, зарурати бўлиб, кишилар уни ҳал этишга интиладилар.
- Эҳтиёжларнинг ўсиб бориши қонуни**-ишлаб чиқариш ва маданият ривожланиши билан кишилар зарурияти,

эҳтиёж ўсиб ва такомиллашиб боришининг объектив зарурлигини ифода этади.

Эҳтиёжларнинг турлари-физиологик заруратлар, хавфсизликка эҳтиёжи, ижтимоий мулоқотга эҳтиёж, ўз-ўзини тараққий эттиришга эҳтиёж ва бошқалар

Ялни миллий маҳсулот-бир йил ичида ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор қиймати.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Ўзбекистон.: 1992.

Ўзбекистон Республикасининг қонунари

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти қонунлари эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни. 2000 йил 15 июль.

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. 1998 йил 30 апрель.

Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат) хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. 1998 йил 30 апрель.

Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. 1998 йил 30 апрель.

Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуни. 1998 йил 30 апрель.

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни. 1998 йил 30 август.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонуни. 2002 йил 12 декабр.

Президент Фармонлари

«Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида.» 1997 йил 31 декабр.

«Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 1998 йил. 9 апрель

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

«Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида». 1998 йил 22 апрел.

- «Кичик ва ўрта талбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида». 1998 йил 27 май.
- «Жисмоний шахслар тамонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига таварлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида». 2002 йил 6 май.
- «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларни олиб келиш ва олиб чиқишни тартибга солиш тўғрисида». 2002 йил 20 август.

- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., 1995.
- Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., 1998.
- Каримов И.А. «Бунёдкорлик йўлидан». Асарлар. 4-том. Т., Ўзбекистон.: 1996.
- Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари. Т., 1998 й.
- Амалий иқтисодиёт. Т., 1998, 1 боб.
- Борисов Е.Ф. Основы экономической теории. М., Новая волна, 1996, 1 боб.
- Камаев В.Д. и др. Экономическая теория. Учебник. М., 1999.
- Курс экономической теории. Учебное пособие. М., 1992.
- Курс экономической теории. Киров, Аса, 1995, 2 боб.
- Макконнелл К.Р., Брю С.Л., Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В2 т. Т.1. М., Республика, 1992, 1 боб.
- Общая экономическая теория. Учебник. М., Промо-Медиа, 1995, 5-57 бетлар.
- Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Т., 1999.
- Рузавин Г.И. Основы рыночной экономики. М. 1996, 1 боб.
- Самуэльсон П. Экономика. В2 т. Т.1. М., Алгон, 1992.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика, М. Дело ЛТД, 1993, 1-2 боблар.
- Экономическая теория. Учебник. Т., 1999.
- Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари, Т., 1998.
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т., 1995, 1 боб.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
-----------------	---

Иқтисодий назарияга кириш

I. Иқтисодий назариянинг предмети ва методи	6
---	---

Иқтисодий назариянинг шаклланиши ва тараққиётининг асосий босқичлари	7
Ҳозирги иқтисодий фикрларнинг асосий йўналишлари	11
Иқтисодий назария нимани ўргатади?	14
Иқтисодий назария методлари	18
Жамият ривожланишининг иқтисодий қонунлари ва уларнинг объектив характери	20
Иқтисодиётнинг уч асосий масаласи	22
Иқтисодий назария фанининг бошқа фанлар билан алоқаси	23
Иқтисодиёт соҳасидаги нобель мукофоти лауреатлари	25
Асосий тушунчалар ва иқтисодий терминлар	28
Мавзуда тавсия этиладиган кўргазмалар воситалар	29
Ўзингизни синаб кўринг	33
Назорат учун тест материаллари	36
Иқтисодий терминларнинг қисқача лугати	39
Тавсия этиладиган адабиётлар	45

II. Ижтимоий ишлаб чиқариш асослари ва ижтимоий-

иқтисодий тизимлар	47
Иқтисодиёт ва унинг бош функцияси	48
Эҳтиёжлар ва уларнинг роли	49
Ишлаб чиқариш омиллари ва имкониятлари	51
Иқтисодиётда технологик танлаш	56
Ижтимоий масулот ва унинг структураси	57
Ижтимоий бойликнинг доиравий ҳаракати	61
Такрор ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш	63
Қўшимча харажатларнинг ўсиб бориши иқтисодий қонуни. Альтернатив қиймат	67
Даромадларнинг пасайиш қонуни. Ишлаб чиқариш масштабида тежаш	68
Ишлаб чиқаришни ривожлантириш босқичлари	69

Ҳозирги замон ишлаб чиқариши структураси	72
Иқтисодий система сифатида	74
Асосий тушунчалар ва иқтисодий терминлар	76
Мавзуда тавсия этиладиган кўргазмали воситалар	78
Ишлаб чиқариш омилларининг қўшилиши	79
Ўзингизни синаб кўринг	84
Назорат учун тест материаллари	88
Иқтисодий терминлар лугати	94
Тавсия этиладиган адабиётлар	100

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодий Ҳаётини Янгилаш вазирлиги

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИНИ ЯНГИЛАШ ВАЗИРАТИ

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодий Ҳаётини Янгилаш вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси

